



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

29-сон
(893)
2019 йил
22 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

515. «Туризм тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

516. «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сон қарори

Бешинчи бўлим

517. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги З, 30-қ/қ-сон «Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчиларнинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезони



лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3173*)

518. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 3 июлдаги 82, 348-В-1-сон «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980-1*)
519. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 01-02/8-43-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-2*)
520. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/14-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-1*)
521. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/11-сон «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2344-3*)
522. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/12-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилариiga микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-3*)
523. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/13-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оиласвий тадбиркорлик субъектларига микро



кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»-ги қарор ва унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-2)

524. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/14-сон «Ахоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш хақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975-1)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 13 июлдан 19 июлгача бўлган маълумот



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

515

Туризм тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 16 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Туризм тўғрисидаги қонун хужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гид (гид-таржимон) — ахборотга оид ва ташкилий хизматлар кўрсатиш, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристик ресурслар билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс;

йўриқчи-йўл бошловчи — туристик йўналишларда туристлар ва экскурсантларга ҳамроҳлик қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс;

мустакил туризм — туристлар томонидан туроператорлар ва тур-агентлар иштирокисиз мустакил равишда ташкил этиладиган саёҳат;

туризм соҳасининг субъектлари — туристик хизматлар мажмуми-ни ёки уларнинг бир қисмини кўрсатиш, қўшимча туристик хизматларни (ишларни) бажариш ҳамда туристлар ва экскурсантларга товарларни реа-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 19 июлда эълон қилинган.



лизация қилиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

тур — туристик хизматларнинг камидаги иккита турини ўз ичига олган туристик хизматлар мажмуи билан таъминланган, белгиланган йўналиш бўйича аниқ муддатлардаги саёҳат;

туризм — жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуфулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);

турист — вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуфулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камидаги бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс;

туристик ваучер — туристнинг тур таркибига кирувчи хизматларга бўлган хукуқини белгиловчи ва уларнинг ҳақи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат;

туристик йўналиш — саёҳат вақтида турист, экскурсант ташриф буюрадиган асосий жойларнинг рўйхати бўйича туристнинг, экскурсантнинг режалаштирилган ҳаракатланиш йўли;

туристик хизматлар — жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, эккурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар;

экскурсант — вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) тунаб қолмасдан йигирма тўрт соатдан ошмайдиган даврда саёҳат қилувчи жисмоний шахс;

экскурсия етакчиси — туристлар ва экскурсантларни муайян туристик ресурслар билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс.

4-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

туристларнинг, экскурсантларнинг ва туризм соҳаси субъектларининг хукуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда хавфсизлигини химоя қилиш устуворлиги;

туризмни барқарор ривожлантириш ва бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

туризм соҳасида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ва рақобатни ривожлантириш;

туризм соҳасида ошкоралик ва очиқлик.

5-модда. Туризмнинг шакллари ва турлари

Халқаро ва ички туризм туризмнинг шаклларидир.

Халқаро туризм қўйидагиларни ўз ичига олади:

кириш туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги саёҳати;



чиқиши туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳати.

Ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги саёҳатини ўз ичига олади.

Туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усуллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилиармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларига бўлиниши мумкин.

2-боб. Туризм соҳасини тартибга солиш

6-модда. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидаги лардан иборат:

мазкур соҳани мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида ривожлантириш;

саёҳатларни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланишга бўлган хукуқларини ва бошқа хукуқларини таъминлаш;

туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;

норматив-хукукий базани такомиллаштириш;

ички туризмни ривожлантириш, шу жумладан ижтимоий туризмни ривожлантириш доирасида болалар, ёшлар, кексалар, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун туризм ҳамда экскурсияларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестициялар киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

мазкур соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

тадбиркорлик субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;

туризм соҳасининг субъектларига солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш орқали рафбатлантириш;

туристлар ва эккурсантларнинг хавфсизлигини, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ва мол-мулки химоя қилинишини таъминлаш;

илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг туризм учун жозибадор мамлакат сифатидаги нуфузини ошириш;

туризм соҳаси субъектларини улар туристик бозорларда миллий туризтик маҳсулотни тарғиб қилишида давлат томонидан қўллаб-куватлаш;

илфор инновациян ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рафбатлантириш;

туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рафбатлантириш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг туризм соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

туризм соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

туристик зоналар, туристик кластерларни ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди;

туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;

туризм соҳасида хизматларни сертификатлаштириш тартибини белгилайди;

туристлар ва эккурсантларни суғурта қилиш, уларга тиббий, хуқукий ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди;

ваколатли давлат органи хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-куvvatлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

туристик ресурслардан, табиий ва маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланилишини ҳамда уларнинг сакланишини, шунингдек атроф табиий мухитнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

туристлар ва эккурсантлар бориши тақиқланган объектлар ҳамда худудларни белгилайди;

туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш лойихаларини амалга ошириш бўйича идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

мехмонхона хизматларини (жойлаштириш бўйича хизматларни), шунингдек туроператорлар ва турагентлар хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлайди;

туристлар ва эккурсантларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди;

туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади ва ҳукуматлар-аро шартномалар тузади.

8-модда. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

туризм соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

туризм соҳасидаги давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилади;

туризм соҳасида виза режимини такомиллаштириш ва соддалаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

туризмнинг ривожлантирилишини мувофиқлаштиради, янги туристик йўналишлар ташкил этилишини таъминлайди, уларни паспортлаштиришдан ўтказади;

Туризм соҳасидаги ягона реестрларни юритиш тартибини белгилайди;

туристик фаолиятни лицензиялашни, туризм соҳасидаги хизматларни сертификатлаштиришни, туристик хизматлар белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади;

жойлаштириш воситалари, тоғ чанғи трассалари ва пляжлар таснифи ни белгилайди;

туризм соҳаси субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатади;

туризм соҳасидаги миллий танитиш белгисидан фойдаланиш тартиби ни белгилайди;

туризм соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этади ва уларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

туристик хизматларни ташкил этиш чоғида туристлар ва эккурсанторларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соғлигини сақлаш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар ишлаб чиқади;

туристлар ва эккурсанторларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган туристик ресурслар ҳамда алоқа воситаларидан монеликсиз фойдаланишини таъминлашга, шунингдек тиббий, хуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам олишига кўмаклашади;

табиий ва маданий мерос объектларини оммалаштиришни, туризм салоҳиятини сақлаш ҳамда ривожлантиришни ташкил этади;

туристик хизматлар бозорларида маркетинг тадқиқотларини амалга оширади;

туризм соҳасини ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини, шунингдек ҳалқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ҳамда грантларини жалб этади;

туристик хизматлар кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишни мақбуллаштириш ва туристик хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасига илғор инновациялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли ўринbosарларининг туризмни ривожлантиришга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;



халқаро ҳамкорликни ривожлантиради ва халқаро туристик ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди, шунингдек бошқа мамлакатларнинг туристик ҳамда ўзга ташкилотлари билан ўзаро муносабатлар ўрнатади;

туризм соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишига кўмаклашади;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди.

Ваколатли давлат органи аккредитация қилинган ташкилотларни ташкил этишига ҳақли.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

9-модда. Ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмалари

Ваколатли давлат органи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлади.

Ваколатли давлат органи ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси раисининг, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан ваколатли давлат органининг раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмаларини молиялаштириш манбаларидир. Ваколатли давлат органи ҳудудий бўлинмаларининг ходимларини кўшимча равишда моддий рағбатлантириш ваколатли давлат органи хузуридаги бюджетдан ташқари. Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудда қўйидаги вазифаларни бажаради:

тегишли ҳудудда туристик салоҳиятни оширишга қаратилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси амалга оширилишини таъминлаш;

тегишли ҳудудда туризм соҳасидаги, тегишли ҳудуднинг туристик соҳасига инвестицияларни жалб этишига доир ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

туристик ресурсларни сақлаш ва ривожлантириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилиш;

тегишли ҳудудда туристик фаолият ривожлантирилишини таъминлаш, янги туристик йўналишларни ташкил этишига кўмаклашиш;

туризм соҳаси субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;



тегишли худудда ҳаракатланиш вақтида туристлар ва экскурсантларнинг туристик ресурсларга монеликсиз киришини таъминлашга кўмаклашиш;

туристик салоҳиятни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, шунингдек туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

туристик бозорларда тегишли худуднинг туристик салоҳияти тарғиб қилинишини ташкил этиш, тегишли худуднинг туристик жозибадорлигини сақлаб қолиш;

тегишли худудда туризмни ривожлантириш тўғрисида ахборотни тўплашни, таҳлил қилишни амалга ошириш ва уни ваколатли давлат органига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли худудда туризм соҳасидаги давлат сиёсатини ҳамда ушбу соҳани мувофиқлаштиришни амалга оширади;

туризм соҳасидаги давлат дастурларини ва худудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ваколатли давлат органи ва (ёки) унинг худудий бўлинмаси билан келишувга кўра туризм соҳасидаги худудий дастурларни, шу жумладан қисқа мuddатли ҳамда ўрта мuddатли истиқболда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлади;

тегишли худудда туризм соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади;

туристлар ва экскурсантларнинг тегишли худудларда жойлашган туристик ресурслардан ҳамда алоқа воситаларидан монеликсиз фойдаланишини, шунингдек уларнинг тиббий, хукукий ва бошқа турдаги ёрдам олишини таъминлайди;

мавжуд туристик салоҳиятни таҳлил қилади ва тегишли худудда туризмни ривожлантириш тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим этади;

тегишли худудда жойлашган туристик ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни жорий этади;

тегишли худудда туристик индустря обьектларини режалаштириш ва куриш, шунингдек ер участкаларини ўз вақтида ажратиш ҳамда уларнинг зарур мухандислик-коммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

инвесторларни қидириш ва жалб этишни, шунингдек тегишли худудда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида уларга кўмаклашишни амалга оширади;

аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиради ва қўллаб-куватлайди;

туристик ахборот марказларини ташкил этади.



11-модда. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш

Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (бундан бўён матнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) туризмни барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари бўйича давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, туризм соҳаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида тузилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига ваколатли давлат органи, манфаатдор давлат органларининг, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киради.

Ваколатли давлат органи Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи организаторидир.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

ваколатли давлат органи, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшишиб борган холда туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишининг бориши устидан тизимли назоратни амалга ошириш, шунингдек уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва хал этиш;

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботларини эшишиб борган холда туризм соҳасидаги тасдиқланган ҳудудий дастурларнинг бажарилишини, тегишли ҳудуднинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда жойларда мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ишларнинг ўрганилишини ташкил этиш;

туризм соҳасидаги йирик инвестиция лойихаларини амалга ошириш ва қўшимча инфратузилмани ривожлантириш юзасидан давлат ёрдамини олиш учун бериладиган Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, шунингдек бошқа ташаббускорларнинг (ариза берувчиларнинг) таклифлари ҳамда талабномаларини ҳар йили кўриб чиқиш;

Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини тарғиб қилишга ва чет эллик туристларни жалб этишга қаратилган қўшма тадбирларни хорижда ўтказиш бўйича «йўл ҳаритасини» ҳар йили тасдиқлаш;

туризм соҳасидаги стратегиялар, концепциялар, давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилишининг бориши юзасидан мониторинг ўтказиш, шунингдек улар бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳудудий органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар



ҳокимлари бошчилигидаги худуд даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифаларини бажарувчи туризмни ривожлантириш бўйича худудий кенгашлардан иборатdir.

12-модда. Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Туризм соҳасининг ривожланишини молиявий жиҳатдан қўшимча таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органи ҳузурида бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси:

туристик йиғимлардан тушган тушумлар, халқаро молия институтларининг, хорижий донорларнинг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари, Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар бўйича тушумлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан шакллантирилади;

маблағларни туризм соҳасининг ва туристик индустряининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга, туристик бозорларда Ўзбекистон Республикасининг туристик маҳсулотларини ҳамда туризм соҳасидаги миллый танитиш белгисини тарғиб қилиш учун йўналтиради.

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг туризм соҳаси тадбирларидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида:

туризм соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

маданий мерос обьектларини тарғиб қилишда, туризм салоҳиятини сақлаш ва ривожлантиришда иштирок этади;

туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

туризм соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласида.

3-боб. Туристик индустря

14-модда. Туристик индустря ва туристик индустриядаги хизматларнинг турлари

Жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш обьектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган обьектлар,



туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскурсия етакчилари-нинг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда ўёриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуи туристик индустриядир.

Туристик хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ туристик индустриядаги хизматларнинг турлари қўйидагилардан иборатdir:

турларни тақдим этиш бўйича хизматлар;
яшаш жойларини тақдим этиш бўйича хизматлар;
овқатлантириш бўйича хизматлар;
ахборотга оид, реклама хизматлари;
транспорт хизматлари;

барча турдаги транспорт учун чипталар ҳамда тадбирларга ва кўнгил-очар объектларга бориш учун чипталар тақдим этиш (банд қилиб қўйиш, сотиш ва етказиб бериш) бўйича хизматлар.

Туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида бошқа туристик хизматлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

15-модда. Туристик индустрия объектларини таснифлаш

Туристик индустрия объектларини таснифлаш ва уларга тоифалар бериш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

Жойлаштириш воситаларини, тоғ чанфиси трассаларини, пляжларни ўз ичига олган туристик индустрия объектларини таснифлаш ва уларга тоифалар бериш, шунингдек берилган Тоифалар реестрини юритиш ваколатли давлат органи ҳузуридаги аккредитация қилинган ташкилот томонидан амалга оширилади.

Жойлаштириш воситалари меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуаларни, дам олиш уйлари ва зоналарини, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйларини, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийларни ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектларни, шунингдек жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспортини ўз ичига олади.

Тоифа берилган туристик индустрия объектининг мулкдори ва (ёки) эгаси унинг мазкур тоифага мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

16-модда. Туристик ахборот маркази

Жисмоний ва юридик шахсларни туристик ресурслар ҳамда туристик индустрия обьектлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек туристик бозорларда туристик маҳсулотларни тарғиб қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи марказ туристик ахборот марказидир.

Туристик ахборот марказларининг лойиҳалари ҳамда уларда реализация қилинадиган товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) рўйхати ваколатли давлат органи билан келишилади.

Туристик ахборот маркази давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилиши мумкин.

4-боб. Туристик зоналар ва туристик кластерлар

17-модда. Туристик зоналар

Муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табиий, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш-соғломлаштириш объектлари, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган, кириш туризмини ва ички туризмни, туристик индустряни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган худуд туристик зонадир.

Туристик зоналар давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифига кўра ташкил этилади.

Туристик зоналар республика ёки маҳаллий даражада ташкил этилади. Республика даражасидаги туристик зоналар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг қарорлари асосида, маҳаллий даражадаги туристик зоналар эса ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида ташкил этилади.

Туристик зоналарни аниқлашда уларда туристик ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек ушбу худудларнинг туризм турларини ривожлантириш учун потенциал имкониятлари инобатга олинади.

Курилётган туристик индустря объектларининг мулкдорлари ва (ёки) эгалари туристик зоналарнинг худудларида туристик ресурслар барпо этилаётганда, шунингдек улардан фойдаланилётганда ушбу объектларнинг мавжуд маҳаллий ижтимоий-иқтисодий, тарихий, илмий, бадиий, маданий муҳитга ёки бошқа ташкилий-мақсадли муҳитга ва инфратузилма муҳитига ўйғунлашувини назарда тутиши шарт.

Туризм соҳаси субъектлари туристик зоналар худудларида ўз фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда атроф табиий муҳитга, маданий мерос объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий худудларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаши шарт.

Туристик зоналарда амалга ошириладиган туристик фаолият ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият туристик зоналарни ташкил этиш мақсадларига монелик қиласиши керак.

18-модда. Туристик зоналарнинг турлари

Туризм комплекс ривожлантириш ва туристик ресурсларни лозим даражадаги ҳолатда сақлаш, тегишли худуднинг туристик салоҳиятини ошириш, шунингдек уларни ривожлантиришга инвестициялар жалб қилинишини рафбатлантириш мақсадида туристик зоналарнинг куйидаги турлари ташкил этилиши мумкин:

эркин туристик зона;

кичик туристик зона;
махсус туристик зона.

Эркин туристик зона эркин иқтисодий зонага тенглаштирилади. Эркин туристик зонага ва эркин туристик зонанинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига нисбатан эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари, шу жумладан эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчилари учун назарда тутилган имтиёзлар ҳамда преференциялар татбиқ этилади.

Кичик туристик зона кичик саноат зонасига тенглаштирилади. Кичик туристик зоналарга нисбатан кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари татбиқ этилади.

Махсус туристик зона белгиланган махсус худуд бўлиб, унда туристик ресурслар ва ушбу ҳудудда муайян туристик маҳсулотни шакллантириш ҳисобидан туристларга хизмат кўрсатилишини таъминловчи туристик индустря обьектлари жамланади. Махсус туристик зонани ташкил этишида ушбу зона иштирокчилари учун шартлар, имтиёзлар ва преференциялар белгиланиши мумкин.

19-модда. Туристик кластер

Комплекс туристик хизматлар ҳамда туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган бошқа қўшимча хизматлар кўрсатувчи мустақил ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар мажмуи туристик кластердир.

Туристик кластерлар комплекс туристик хизматлар кўрсатиш, туристик фаолиятнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантиради, тарғиб этади ва реализация қиласи.

5-боб. Туризм соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш шартлари

20-модда. Туристик фаолиятни лицензиялаш

Туроператорлик ва турагентлик фаолияти, шунингдек саёҳатлар ташкил этишига доир бошқа фаолият туристик фаолиятдир.

Туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти туроператорлик фаолиятидир.

Туристик маҳсулотни тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти турагентлик фаолиятидир.

Туроператорлар ва турагентлар туристик фаолиятни ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

Туроператорлар ва турагентларга туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Бунда экскурсия хизматлари кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган



жисмоний шахсларга туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олиш талаб қилинмайди.

Экскурсия фаолияти йигирма тўрт соатдан ошмайдиган ва жойлаштиришга (тунаб қолишга) доир хизматлар кўрсатишни назарда тутмайдиган, маданий мерос объектлари, диккатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан танишириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигида экскурсиялар ташкил этишга доир туристик фаолиятнинг элементидир.

Туроператорлар ва турагентлар фаолиятини амалга оширишда лицензия асосий талаблари ва шартлари қўйидагилардан иборат:

туристик махсулот буюртмачиси билан туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси тузилганидан кейин туристик хизматлар кўрсатиш;

хар бир туристга ва экскурсанга туристик саёҳат вақтида Ўзбекистон Республикасига ҳамда чет давлатларга кириш, улардан чиқиш ва уларда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни етказиш;

туристга ва экскурсанга ўз иши тартиби, жойлашган ери (пошта манзили), лицензиянинг мавжудлиги, туризмнинг муайян турларини юритиш учун масъюл бўлган мутахассислар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш, шу жумладан мазкур ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирган холда тақдим этиш.

21-модда. Туристик хизматларни сертификатлаштириш

Туроператор хизмати, жойлаштириш воситалари, тоғ чанфиси трассалари ва пляжлар мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим.

Туроператор хизматларини, жойлаштириш воситалари, тоғ чанфиси трассалари ва пляжларни сертификатлаштириш ваколатли давлат органи хузуридаги аккредитация қилинган сертификатлаштириш бўйича ташкилот томонидан амалга оширилади.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш уларнинг техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан амалга оширилади ҳамда ушбу хизматларнинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлашга қаратилади.

Ваколатли давлат органи Сертификатлаштирилган туристик хизматларнинг реестрини юритади.

22-модда. Туризм соҳасида стандартлаштириш

Туристлар ва экскурсанларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туроператорлик ва турагентлик фаолиятини, шунингдек туристик индустря объектларини стандартлаштириш амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи туристик хизматлар соҳасидаги стандартлаштиришга доир ишларни ташкил этишини, мувофиқлаштиришни, уларнинг бажарилишини таъминлашни амалга оширади.



23-модда. Гидларнинг (гид-таржимонларнинг), экскурсия етакчиларининг ва ўёриқчи-йўл бошловчиларнинг малакасини сертификатлашириш

Гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва ўёриқчи-йўл бошловчилар ваколатли давлат органи томонидан бериладиган тегишли сертификат олинганидан кейин юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сифатида ёхуд юридик шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномалари асосида мустақил равиша хизматлар кўрсатиши мумкин.

24-модда. Туризм соҳасидаги ягона реестрлар

Ваколатли давлат органи Туризм соҳасидаги ягона реестрларни шакллантиради ва юритади.

Туризм соҳасидаги ягона реестрлар туроператорларга, турагентларга, гидларга (гид-таржимонларга), экскурсия етакчиларига ва ўёриқчи-йўл бошловчиларга нисбатан, жойлашириш воситаларига, тоғ chanfisi трассаларига ва пляжларга, шунингдек туристик йўналишлар ва туристик объектларга нисбатан юритилади.

Туризм соҳасидаги ягона реестрлар ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаширилади.

6-боб. Туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

25-модда. Туристик маҳсулотни шакллантириш ва тарғиб этиш

Туристик маҳсулот туристик бозор конъюнктурасидан келиб чиққан холда ёхуд туристнинг ёки экскурсантнинг буюртмасига кўра туроператор томонидан шакллантириладиган, туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган туристик хизматлар мажмуидир.

Туроператорнинг туристик маҳсулот жумласига кирувчи алоҳида туристик хизматларни кўрсатувчи шахслар билан шартномалар тузишга ва уларни ижро этишга доир фаолияти туристик маҳсулотни шакллантиришдир.

Туристик маҳсулотни реализация қилишга (реклама қилишга, ихтисослаштирилган кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этишга, каталоглар, буклетлар нашр этишга ва бошқаларга) қаратилган чора-тадбирлар мажмуми туристик маҳсулотни тарғиб этишдир.

Туроператор туристлар ва экскурсантларга туристик маҳсулот жумласига кирувчи туристик хизматлар мажмуми ёки уларнинг бир қисми мустақил равиша ёки алоҳида туристик хизматлар кўрсатувчи шахсларни жалб этган холда кўрсатилишини таъминлайди.

Туроператор турга кирувчи хизматларга бўлган ҳукуқни алоҳида туристик хизматлар кўрсатувчи шахслар билан ёки турга кирувчи хизматларнинг барча турлари кўрсатилишини таъминловчи, туристлар ва экскурсант-



ларни қабул қилувчи туроператор билан тузилган шартномалар асосида олади.

Туристнинг, эккурсантнинг ёки туристлар, эккурсанлар гурухи вакили бўлган шахснинг туристик маҳсулотни шакллантириш учун туроператорга берадиган буюртмаси дастлабки шартнома хусусиятига эга бўлган битим тарзида расмийлаштирилади.

Кириш туризми ва ички туризм соҳаларида туристик маҳсулотни шакллантириш факат Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорлар томонидан амалга оширилади.

Туристик маҳсулотни шакллантириш чоғида туроператор атроф табиий мухитга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш таъминланишини назарда тутиши шарт.

Туристик маҳсулотни тарғиб этиш чоғида туроператор ва турагент туристик маҳсулот тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

Турагент туристик маҳсулотни тарғиб этишни туроператор билан тузилган шартнома асосида амалга оширади.

Туристик маҳсулотларни кириш туризми ва ички туризм ҳамда жойлаштириш воситалари тарзида реклама қилиш чоғида туризм соҳасида белгиланган миллий танитиш белгисидан фойдаланиш мажбурийдир.

26-модда. Туристик маҳсулотни реализация қилиш

Туристик маҳсулотни реализация қилиш туроператор ва (ёки) турагент ҳамда туристик маҳсулотнинг буюртмачиси ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Турист, эккурсант ёки турист ёхуд эккурсант номидан туристик маҳсулотга буюртма берувчи бошқа шахс туристик маҳсулотнинг буюртмачисидир.

Турагент ва туроператор ўртасидаги шартномада кўйидагилар кўрсатилиши керак:

туристик маҳсулотни турагент томонидан реализация қилиш шартлари;

турагентнинг туристик маҳсулотни туроператор номидан ёхуд ўз номидан реализация қилишга доир хукуқ ва мажбуриятлари;

турагент томонидан иккиласми агент шартномаларини тузиш мумкинligини (мумкин эмаслигини) назарда тутувчи шартлар;

уларга туристик маҳсулотнинг буюртмачиси томонидан туристик хизматлар кўрсатиш шартномасини ижро этиш борасида эътиrozлар билдирилган тақдирда, туроператор ва турагентнинг ҳамкорлиги тартиби;

туристик маҳсулот тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик учун, туристик хизматлар кўрсатишга доир шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун туристик маҳсулотнинг буюртмачиси олдида туроператорнинг ва турагентнинг жавобгарлиги, шунингдек тарафлардан ҳар бирининг жавобгарлиги.



Туроператор ва (ёки) турагент ва туристик маҳсулотнинг буюртмачиси ўртасидаги шартномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

туроператорнинг ва (ёки) турагентнинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), лицензиясининг йўналиши ва рақами;

туристик маҳсулотнинг буюртмачиси тўғрисидаги, унинг туристик маҳсулотни реализация қилиш учун зарур бўлган ҳажм доирасидаги маълумотлар;

туристик маҳсулотнинг қиймати ва уни тўлаш тартиби;

туроператорнинг ва (ёки) турагентнинг ҳамда туристик маҳсулот буюртмачисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари;

туроператорнинг ва (ёки) турагентнинг ва туристик маҳсулот буюртмачисининг жавобгарлиги ҳамда низоларни кўриб чиқиш тартиби.

Туроператор ва (ёки) турагент ва туристик маҳсулот буюртмачиси шартномада туристик маҳсулотдан фойдаланиш шартларини, шу жумладан саёҳатнинг дастурини, саёҳатнинг йўналиши ва шарт-шароитларини, жойлаштириш воситалари, яшаш ва овқатланиш шароитлари, туристни ва экскурсантни вактинча бўлиш мамлакатида (жойида) ташиш бўйича хизматлар, экскурсия етакчиси, гид (гид-таржимон), йўриқчи-йўл бошловчи мавжудлиги, шунингдек кўшимча хизматлар тўғрисидаги маълумотларни келишиб олиши мумкин.

Туроператор ва (ёки) турагент ҳамда туристик маҳсулотнинг буюртмачиси ўртасидаги шартномада бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Экскурсия етакчилари, гидлар (гид-таржимонлар) ва йўриқчи-йўл бошловчилар шартнома тузмасдан ҳам ўз хизматларини кўрсатиши мумкин.

27-модда. Ўзбекистоннинг Миллий туристик брендси

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги танитиш белгиси ва шиори Ўзбекистоннинг Миллий туристик брендидир.

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги танитиш белгисининг шакли, рангли тасвири ҳамда шиорнинг мазмуни ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг Миллий туристик брендидан товарларни (ишларни ва хизматларни) тарғиб этишда фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Миллий туристик брендининг элементларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

28-модда. Туристик хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши

Туроператорлар ва турагентлар туристик хизматлар кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида туристга ва экскурсантга қўйидаги ахборотни тақдим этиши шарт:

кириш ва чиқиш хужжатларини (вактинча бўлиш мамлакатига (жойига) кириш ва ундан чиқиш учун визани) расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар тўғрисидаги;

риоя этилиши турни амалга ошириш учун зарур бўлган тиббий расмиятчиликлар, шу жумладан туристнинг ва эккурсантнинг уларда муайян касалликлар, жисмоний ҳолатининг ва ёшининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган тақдирда, турда иштирок этишига қарши кўрсатмалар тўғрисидаги;

божхона, чегара қоидалари ва бошқа қоидалар (саёҳатни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмда) тўғрисидаги;

вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) туристнинг (эккурсантнинг) ҳаёти хавфсизлигига ва соғлиғига таҳдид солувчи фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда ёки бошқа ҳолатларда, шунингдек туристнинг (эккурсантнинг) мол-мулкига зарар этиши хавфи юзага келган ҳолларда, турист (эккурсант) мурожаат қилиши мумкин бўлган, вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) мавжуд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик муассасаларининг жойлашган ери (почта манзиллари) ва алоқа боғлаш учун телефон рақамлари тўғрисидаги.

7-боб. Туроператорлар ва турагентларнинг, туристлар ва эккурсантларнинг, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

29-модда. Туроператорлар ҳамда турагентларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

Туроператорлар ва турагентлар ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳукуқларга эга:

турнинг давомийлиги ва йўналишини, хизмат кўрсатиш шартларини, транспортда хизмат кўрсатиш турини, туристнинг, эккурсантнинг хавфсизлигини ҳамда уларнинг мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш чораларини туристнинг ва эккурсантнинг розилиги ҳамда хоҳишига кўра ўзгартириш;

туристнинг ва эккурсантнинг розилиги билан уларни тур бошланишидан камида йигирма кун олдин бу ҳақда хабардор этиш шарти билан турнинг шартлашилган қийматини кўпайтириш;

хизматлар кўрсатишнинг имкони бўлмайдиган форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, шунингдек гурух тузиш учун зарур бўлган туристлар ва эккурсантларнинг талаб қилинадиган сони йиғилмаган тақдирда, туристик хизматлар кўрсатиш шартномасини бекор қилиш, бу ҳақда туристлар ва эккурсантлар тур бошланишидан камида йигирма кун олдин хабардор этилиши керак;

туристлар, эккурсантлар ёки туризм соҳаси субъектлари томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиён компенсация қилинишини талаб қилиш.

Туроператорлар ва турагентлар:

туристлар ва эккурсантларга туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида шартлашилган хизматлар кўрсатилишини таъминлаши;

туристик хизматлар кўрсатилмаган ёки улар тўлиқ бўлмаган ҳажмда кўрсатилган ёхуд лозим даражада сифатли кўрсатилмаган тақдирда туристлар ва экскурсантларга етказилган заарнинг ўрнини қоплаши ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиши;

туристлар ва экскурсантларга турни ташкил этиш, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим этиши;

туристик ресурсларнинг сақланишига кўмаклашиши;

туристлар ва экскурсантлар вақтинча борилган мамлакатда (жойда) қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга ошириши шарт.

30-модда. Туристлар ҳамда экскурсантларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

Туристлар ва экскурсантлар куйидаги ҳукуқларга эга:

туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида назарда тутилган хизматлардан фойдаланиш;

саёҳат билан боғлик тўлиқ ва ишончли ахборот олиш, шу жумладан вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) кириш ва унда бўлиш қоидалари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлар, маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва туризм соҳасининг объектлари, атроф табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

шахсий хавфсизлиги ҳамда ўз ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши, шунингдек ўз мол-мулкининг бут сақланиши;

шошилинч тиббий ёрдам олиш;

туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий заарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

агар турнинг умумий қиймати ошиши шартномада шартлашилган қийматидан ортиб кетса, туристик хизматлар кўрсатишга доир шартномани туроператорлар ва туррагентларга етказилган моддий заарнинг ўрнини қопламаган ҳолда бекор қилиш.

Туристлар ва экскурсантлар:

турда иштирок этиш учун ўз соғлиғи ҳолатининг ва (ёки) ёшининг хусусиятларига боғлик чекловлар (қарши кўрсатмалар) тўғрисидаги, ўз доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши ҳамда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) кириши учун чекловлар ҳақидаги маълумотларни туроператорнинг ва (ёки) туррагентнинг талабига кўра тақдим этиши;

туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларига ва вақтинча бўлиш мамлакатининг (жойининг) қонун ҳужжатларига риоя этиши, унинг сиёсий ҳамда ижтимоий тузилишини, маҳаллий аҳолининг анъаналарини, урф-одатларини, диний эътиқодини хурмат қилиши;

вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) атроф табиий муҳитга, муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва маданий мерос объектларига зарар етказмаслиги;



вақтингча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) божхона ва чегара назорати, шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя этиши шарт.

31-модда. Гидлар (гид-таржимонлар), экспурсия етакчилари ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гидлар (гид-таржимонлар), экспурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

тур вақтида ўз мажбуриятларини бажариши учун туроператордан, турагентдан ёки туристик маҳсулот буюртмачисидан зарур ахборот билан таъминланишини талаб қилиш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи хужжатлар билан (шартнома мавжуд бўлганда) танишиб чиқиш;

туристлар ва экспурсантлар билан мустақил равишда шартномалар тузиш.

Гидлар (гид-таржимонлар), экспурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар:

тегишли маълумотга, малака сертификатига эга бўлиши ва ўз вақтида малака оширишдан ўтиши;

мамлакатнинг тарихи, маданияти, этнографияси, иқтисодиётини ва бошқа соҳаларини расмий ёки ишончли манбалардан билиши;

туристик йўналишни режалаштириш ва экспурсияда ҳамроҳлик қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

ўз функционал вазифаларини бажариш чоғида исми ва фамилияси ёзилган кўкрак нишонини (бейжикни) тақиб юриши;

хавфсизликни таъминлаш чораларини билиши ва фавқулодда вазиятларда амалий харакат қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиши шарт.

8-боб. Туризм соҳаси субъектларининг бирлашмалари

32-модда. Туризм соҳаси субъектларининг бирлашмаси

Туризм соҳаси субъектларининг касбий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти туризм соҳаси субъектларининг бирлашмасидир.

Туризм соҳаси субъектларининг бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида фаолиятини амалга оширувчи туризм соҳаси субъектларининг ихтиёрий аъзолиги принципига асосланади.

33-модда. Туроператорлар ва турагентлар бирлашмаси

Туроператорлар ва турагентлар ўз тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бирлашма тузиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси худудида туроператорлик ва турагентлик



фаолиятини амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ихтиёрий аъзолиги принципига асосланган нодавлат нотижорат ташкилоти туроператорлар ва турагентлар бирлашмасидир.

Туроператорлар ва турагентлар бирлашмаси янги аъзолар кириши учун очикдир.

34-модда. Туроператорлар ва турагентлар бирлашмаларининг хуқуқлари

Туроператорлар ва турагентлар бирлашмалари қўйидаги хуқуқларга эга:
туризм соҳаси субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манбаатларига
риоя этилиши ҳолатининг таҳлилини ўтказиш;

туризм тўғрисидаги қонун хужжатлари ижро этилиши устидан жамоат-
чилек назоратини амалга ошириш;

туризм соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб
чиқишида ва муҳокама қилишида иштирок этиш;

ваколатли давлат органи хузуридаги жамоатчилик кенгашлари тарки-
бida иштирок этиш;

туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг хуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини
кучайтириш тизимини шакллантиришда иштирок этиш;

туризм тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир
таклифлар тайёрлаш ва киритиш, туризм соҳасини яхшилаш бўйича чора-
тадбирлар ишлаб чиқиш жараёнларига бошқа тадбиркорлик субъектлари-
ни жалб этиш;

Ўзбекистоннинг миллий туристик брендини ва маҳсулотларни туриз-
тик бозорларда тарғиб этишга, туризм соҳасига инвестицияларни, шу жум-
ладан чет эл инвестицияларини, шунингдек замонавий технологияларни
жалб этишга кўмаклашиш.


9-боб. Хавфсиз туризмни таъминлаш

35-модда. Туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги ка- фолатлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристлар ва экскурсантларнинг
хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Ваколатли давлат органи манбаатдор вазирликлар, давлат қўмитаалари,
идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ту-
ристлар ҳамда экскурсантларнинг хавфсизлигини ва ҳимоя қилинишини,
жамият ва давлат манбаатларини, туризмдан шахсларнинг қонунга хилоф
миграцияси, уларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш ҳамда уларни бош-
қача тарзда эксплуатация қилиш мақсадида фойдаланишга қарши курашиш-
ни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чикади.

Хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари туристлар ва экскурсантлар-
нинг шахсий хавфсизлиги, уларнинг мол-мулки бут сақланиши, атроф та-
биий мухитга, жамиятнинг моддий ҳамда маънавий қадриятларига, давлат



хавфсизлигига заар етказилишининг олдини олиш таъминланишини назарда тутади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари барча туристик йўналишлар бўйича туристлар ва экскурсантларнинг химоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича худудий дастурлар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этади.

Туризм соҳаси субъектлари туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш, табиий оғатлар чоғида, улар жароҳатланганда, касалликка чалингданда ҳамда бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга тарзда ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Ваколатли давлат органи туроператорларни, турагентларни, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристлар ҳамда экскурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид тўғрисида хабардор қиласи, шунингдек хавфсизликка нисбатан таҳдид мавжуд бўлганлиги сабабли бориб кўриш учун тавсия этилмайдиган мамлакатлар (жойлар) рўйхатини оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан ўзининг расмий вебсайтига жойлаштиради.

Муассислари (ҳаммуассислари) давлат органлари бўлган оммавий ахборот воситалари ваколатли давлат органига туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид ҳақидаги ахборотни эълон қилиш имкониятини дарҳол ва бепул тақдим этади.

Туристлар ва экскурсантлар юқумли касалликларнинг юкори даражадаги хавфига учраши мумкин бўлган вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) саёҳатни амалга ошириш бошлангунига қадар халқаро тиббий талабларга мувофиқ профилактикадан ўтиши шарт.

Туристлар ва экскурсантлар гурухларини кузатиб борувчи шахслар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дастурий асосда минимал тиббий тайёргарликка, тиббий буюмларга ҳамда дори кутичасига эга бўлиши шарт.

36-модда. Туроператорлар ва турагентлар томонидан туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирлар

Туроператорлар туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

мустақил туризмни амалга оширувчи туристлар ва экскурсантлар муружаат қилган тақдирда, туристлар ва экскурсантларни йўналишнинг хусусияти ҳамда уларнинг ўз хатти-харакатига боғлиқ холда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида хабардор қилиши, туристлар ва экскурсантларни жароҳатланиш ҳамда баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва улардан ҳимояланиш усувлари билан танишириши, шунингдек йўналишдаги хавфсизлик техникаси бўйича туристлар ва экскурсантларга йўл-йўриқ бериши;

фалокатга учраган туристлар ва экскурсантларга тезкор ёрдам кўрсатиши;



тоғ, трек, чанғи, велосипед, мотоцикл, ғор туризми (табиий ер ости йўлаклари — ғорларга саёҳатлар) ва туризмнинг бошқа маҳсус турларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишдаги хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

саёҳат вақтида туристлар, экскурсантлар билан содир бўлган фавқулодда ходисалар тўғрисида, шунингдек саёҳатдан қайтиб келмаган туристлар ҳамда экскурсантлар ҳақида ваколатли давлат органини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва манбаатдор шахсларни дарҳол хабардор килиши;

туристлар ва экскурсантларга саёҳатларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, шунингдек саёҳат қилиш чоғида улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳақида тўлиқ маълумотлар тақдим этиши ҳамда туристлар ва экскурсантларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган огоҳлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириши;

тоғли ҳудудда тоғ, трек, чанғи, велосипед, мотоцикл ва ғор туризми ҳамда туризмнинг отда сайр қилиш турларини ташкил этиш ва амалга оширишда йўриқчи-йўл бошловчилар хизматларидан фойдаланиши шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбушларида кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар турагентларнинг ҳам зиммасига юклатилади.

Саёҳатларни туристлар ва экскурсантлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туроператорлар туристлар ҳамда экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш мақсадида қидирув-кутқарув хизматлари, шошилинч оператив хизматлар ҳамда бошқа кутқарув хизматлари билан хизмат кўрсатилиши учун шартномалар тузади.

37-модда. Туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган, қутқарув ва шошилинч хизматлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида фалокатга учраган туристлар ва экскурсантларга зарур ёрдам кўрсатиш ихтисослаштирилган хизматлар томонидан амалга оширилади.

Кидирув-кутқарув хизматлари, шошилинч оператив хизматлар ва бошқа кутқарув хизматлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек соғлиқни сақлаш, алоқа, ички ишлар органлари, давлат ўрмон хўжалиги, гидрометеорология, фуқаро авиацияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манбаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

38-модда. Туризм соҳасида суғурта қилиш

Туристлар ва экскурсантларни суғурта қилиш ихтиёрийdir, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар мустасно ҳамда туристлар ва экскурсантлар томонидан бундай фаолиятни олиб бориш



хуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Туроператорлар ва турагентлар туристик маҳсулотнинг хусусияти ҳамда шаклига қараб туристлар ва экскурсантларда суғурта полиси мавжуд бўлиши тўғрисида талаб белгилаш хуқуқига эга.

Туроператорлар ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

10-боб. Якунловчи қоидалар

39-модда. Туризм соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик

Туризм соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик ҳалқаро хуқуқнинг умумеътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

40-модда. Низоларни ҳал этиш

Туризм соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

41-модда. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги 830-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 227-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 831-1-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 228-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган «**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-тамомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-31-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **7-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган



«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-476-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **36-моддаси**.

43-модда. Ушбу Конуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ваколатли давлат органи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

44-модда. Конун ҳужжатларини ушбу Конунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштиrsin;

давлат бошқаруви органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз нормативхукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

45-модда. Ушбу Конуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 июль,
ЎРҚ-549-сон



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

516 Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илфор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усулларини жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ишлаб чиқаришни яратиш мақсадида:

1. 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари этиб қўйидагилар белгилансин:

енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ошириш;

енгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта хисобда 60 фоизгача етказиш;

юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 10 минг донагача ошириш;

автомобилларнинг ўйллик экспорт ҳажмини 100 минг донагача етказиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шунингдек, «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш;

ахолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган енгил автомобилнинг янги замонавий модели ишлаб чиқарилишини назарда тутган ҳолда автомобилларнинг моделлар қаторини янгилаш;

«Ўзавтосаноат» АЖ таркибига кирувчи камида иккита акциядорлик жамияти акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) орқали инвесторларни жалб этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ етакчи хорижий компаниялар ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда қўйидагилар бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш учун масъул бўлган «Ўзавтосаноат» АЖ хузурида доимий фаолият юритувчи лойиҳа офисини ташкил этиш чораларини кўрсинган:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини 2023 йилгача янада жадал ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усусларини жорий этиш;

автомобиль саноатининг инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан мотор транспорт воситалари ва уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча корхоналар учун солиқ ва божхона режимларини унификациялаш йўли билан ошириш;

эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни ўзлаштириш даражасини ошириш ва импорт ҳажмларини пасайтириш имконини берадиган қўшимча ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришнинг устувор сегментларида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш, миллий муҳандислик марказларини ташкил этиш;

автомобиль саноатида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 январга қадар «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг улуши мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича техник топшириклар оригинал ишлаб чиқарувчи (OEM) ёки автомобильлар лицензиари томонидан тасдиқланган (белгилаб қўйилган) ёки тавсия этилган маҳсулот етказиб берувчиларга нисбатан ёки бундай талаб автомобиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича асосий, лицензион ва инвестициявий битимлар, шунингдек, саноат на мунааларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш бўйича битимлар, автомобиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда техник қўмаклашиш бўйича битимлар билан ўрнатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилмайди;

б) 2019 йил 1 октябрдан кейин тузиладиган шартномалар бўйича «UzAutoMotors» АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларга акциз солиғи бекор қилинади;

в) 2019 йил 1 октябрдан бошлаб юртимиизда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йифим автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланади;

г) «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган, 1-иловада* қўрсатилган активлари қўйидагича сотилиши мумкин:

қўшилган қиймат солиғини (кўчмас мулк учун) ва ҳақиқий қийматини (хўжалик жамиятларида улушлар ва акциялар пакети учун) хисобга олган ҳолда уларнинг қийматини баҳоламасдан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасига бошланғич баҳоси бўйича аукционга қўйиш орқали;

савдога қўйилган вақтдан буён икки ой ичida талабгорлар мавжуд

* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



бўлмаган тақдирда, бошланғич баҳосини қадам-бақадам тушириб бориш орқали.

4. «Автосаноат инвест» МЧЖ ва «Ўзавтосаноат» АЖнинг «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Автосаноат инвест» МЧЖнинг тегишли равища устав капиталини камайтириш ҳисобига «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖнинг устав капиталидаги «Автосаноат инвест» МЧЖ улушкини баланс қийматида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширишини таъминласин.

5. «Ўзавтосаноат» АЖ 2-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича дилерлик ташкилотларининг устав жамғармалари (капиталлари)даги улушлар сотилишини тезлаштирасин.

6. Куйидагилар:

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» З-иловага* мувофиқ;

импорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўшилган киймат солиғини тўлаш муддатини 120 кунга узайтириш имконияти бериладиган автотранспорт воситалари, тиркамали ва осма техникалар, уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарлар, материаллар ва технологик жиҳозлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ:

а) икки ой муддатда:

тижорат банклари билан биргаликда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган автомобилларни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий банклар ва экспорт-кредит агентликларининг имтиёзли кредит линиялари жалб этилишини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш қисмида етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар якунланишини таъминласин;

б) 2019 йил 1 декабрга қадар:

5-иловага* мувофиқ, «Ўзавтосаноат» АЖнинг 2019 — 2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича «General Motors» компанияси билан музокаралар ниҳоясига етказилиши ва битимлар тузилишини;

5-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий банклар, экспорт-кредит агентликлари, шунингдек, инвестиция компаниялари ва жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига энг қулай шартларда камида 700 миллион АҚШ долларини жалб этишини;

автомобиль саноатидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, жумладан 6-иловага* мувофиқ автомобиль саноати корхоналарининг устав

* 2 — 6-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



капиталларидаги «Ўзавтосаноат» АЖнинг улушлари (акциялари)ни сотиш орқали инвесторлар жалб этишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖнинг юртимизда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотадиган расмий дилерлик ташкилоти (кейинги ўринда — расмий дилер)га харидорлар томонидан илгари фойдаланилган ўзларига тегишли автотранспорт воситаларини топшириш ҳамда улар қийматидаги фарқни тўлаш орқали маҳаллий автомобилларнинг янгисини харид қилиш имконини берувчи «TRADE-IN» дастурини 2019 йил 1 октябрдан татбик этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«TRADE-IN» дастури доирасида қўйидагилар белгилансин:

а) расмий дилер томонидан жисмоний шахсларнинг илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотища қўшилган қиймат солигини хисоблаш учун қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олган сотилаётган объектнинг сотиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ соликقا тортиш базаси бўлиб хисобланади;

б) расмий дилерлар томонидан амалга ошириладиган қўйидаги олди-сотди шартномаларига нисбатан мажбурий нотариал расмийлаштирув татбиқ этилмайди:

белгиланган шаклдаги хисоб-маълумотномаларни харидорга бериш тартибини жорий этиш орқали илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларига;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи заводларнинг расмий дилерларидан сотиб олинган янги автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларига;

в) расмий дилерлик ташкилоти томонидан илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун уларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида йифим тўланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий заводларнинг расмий дилерларини «TRADE-IN» дастури доирасида сотиб олинган илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиш учун тегишли даражада ҳимояланган хисоб-маълумотномалар бланклари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ илфор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда:

2019 йилнинг 1 ноябрига қадар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг хавфсизлик ва сифат қўрсаткичларини таъминлайдиган намунавий тажриба дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йилнинг 1 декабрига қадар Пискент автомобиль полигони негизида автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини синовдан ўтказиш базасини ташкил этиш ҳамда уни зарур техника ва ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 январга қадар автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар



ва бутловчи буюмларни тўла-тўқис синовдан ўтказишни таъминлаш учун маҳаллий лабораторияларни зарур техника ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 марта қадар «Автомобиллар учун ўртacha корпоратив ёқилғи тежамкорлиги» стандартини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Куйидагилар:

Автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид чораларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш бўйича ишчи гурух таркиби 7-иловага* мувофиқ;

мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Ишчи гурухи (Ходжаев):

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

ушбу қарор ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 9-иловага мувофиқ кўшимишча киритилсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимишчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 июль,
ПҚ-4397-сон

* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 июлдаги
ПҚ-4397-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий
фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф
жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига
киритилаётган қўшимча**

2-илова қўйидаги позиция билан тўлдирилсин:

«

2017 БН ТИФ коди	Товар номи	Акциз солиғи ставкаси (товарнинг божхона қийматидан фоизда ёки бир ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида)
8703 80	факат электр двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган транспорт воситалари	0

».



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

517 Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчиларнинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 июлда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3173*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарор қиласди:

1. Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчиларнинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 июнь,
3-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 июнь,
30-к./қ-сон

* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июнданги
3-сон, 30-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаширилган филиалида таълим олувчиликарниң
билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаширилган филиалида (бундан буён матнда Филиал деб юритилади) таълим олувчиликарниң билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

таълим олувчилар — талаба ва тингловчилар;

талаба — бакалавриатнинг маҳсус уч йиллик дастури бўйича юридик кадрларни тайёрлаш бўйича ўқишга қабул қилинган шахс;

TINGLOVCHI — олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни маҳсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курсига ўқишга қабул қилинган амалдаги ходим ва ҳарбий хизматчи;

қайта тайёрлаш курси — «хукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» мутахассислиги бўйича олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни кундузги таълим шаклида маҳсус олти ойлик дастур бўйича ўқитиш курси.

2. Филиал таълим олувчилири билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсади — юкори малакали, рақобатбардош, мамлакатда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг талабларига, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда таълим олувчиликарда мустақил таълим олиш, таълим сифатини бошқарган ҳолда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларида тизимли таҳлил қилиш ва бошқарув кўнилмаларини ривожлантириш, шунингдек уларнинг психологик тайёргарлиги, хукуқий, сиёсий маданияти ва хукуқий онгини ошириш, модулларни ўзлаш-

тиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан изборат.

Модуль алоҳида ўқув фани (унинг қисми) бўлиб, ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни камраб олади ва таълим олувчиларнинг фан дастурини ўрганиши натижасида шаклланган билим, кўникма ва малакалари ни назорат қилишнинг тегишли тури билан якунланади.

3. Таълим олувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари куйидагилар хисобланади:

таълим олувчиларда тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

таълим олувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамоёйллари: аниқлик, хаққонийлик, ишончлилик ҳамда билимларни баҳолашда шаффоффликни таъминлаш;

ўқув материалининг таълим олувчилар томонидан тизими равишда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

таълим олувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

таълим олувчилар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вақтида маълум қилиш;

таълим олувчиларнинг ўқув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ўқув жараёнининг ташкилий ишларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминланишига шароит яратиш.

4. Кафедра мудири ҳар бир модуль бўйича модуль раҳбарини, яъни алоҳида модулни ўқитишининг сифати, ўқув материалини шакллантириш, шунингдек барча турдаги назорат саволларини тузиш, таълим олувчилар билимини текширишда ягона стандартларни таъминлашга масъул бўлган педагог ходимни белгилайди.

Модуллар бўйича таълим олувчилар билимини семестр (қайта тайёрлаш курси) давомида баҳолаб бориш назорат жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

5. Модулнинг ўқув дастури мазмунини ўзлаштириш кредитни — талабаларнинг ўқув юклами ҳажмини аниқлашнинг шартли бирлигини қўлланган ҳолда белгиланади.

Кредит талаба томонидан тегишли ўқув ишларини (модуль хусусияти ва бўлажак мутахассисни шакллантириш учун ўқув ишларининг муҳимлигидан келиб чиқиб, Филиал томонидан белгиланадиган) бажаришга кетадиган вақт (соатлар)дан ташкил топади. Ҳар бир модуль мустақил кредит хисобига эга бўлади.

Филиал бир кредит таркибини, ҳар бир модуль бўйича кредитлар сонини, шунингдек ҳар бир курсни ва умуман ўқиш даврини тамомлаш учун талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг умумий сонини белгилайди. Талаба мазкур Низомга мувофиқ модуль ўқув дастури мазмунини ўзлаштирган (олган рейтинг баллидан қатъи назар) тақдирда, у тегишли модуль бўйича кредитларнинг зарур сонини тўплаган деб хисобланади.



2-боб. Таълим олувчилар билимини назорат қилиш турлари

6. Таълим олувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун Филиалда жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари ўтказилади.

7. Модулнинг назорат жадваллари, назорат турлари ва шакллари, назоратлар сони хамда жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун белгиланган максимал ва саралаш баллари тўғрисидаги маълумотлар педагог ходим томонидан биринчи машғулотда таълим олувчиларга эълон қилинади.

Оралиқ ва якуний назорат жадваллари хақидаги маълумотлар Ўқув-услубий бўлим томонидан Филиал веб-сайтига жойлаштирилади.

3-боб. Жорий назоратни ўтказиш

8. Жорий назорат таълим олувчиларнинг модуль мавзулари бўйича билими ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади. Жорий назорат таълим олувчи томонидан модуль мавзуси мазмунини ўзлаштирганлик даражасини баҳолашга қаратилади, шунингдек ўқув материалини конструктив равишда шарҳлаш ва таҳлил қилиш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш амалий кўникмалари, хуқуқни қўллаш ҳужжатлари лойиҳаларини тузиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), жамоада ишлаш, илмий презентациялар тайёрлаш ва бошқаларни баҳолашга қаратилади.

9. Модулнинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда модулнинг бир семестр (қайта тайёрлаш курси)да ўқитиладиган бир-бирига боғлиқ мавзулари кафедра томонидан учтадан кўп бўлмаган блокларга бирлаштирилади ва уларни ўзлаштириш натижасида таълим олувчилар модуль доирасида келгуси касбий фаолият учун зарур бўлган мустақил назарий билим ва амалий кўникмалар мажмуига эга бўлишлари шарт.

Модулнинг ҳар бир блок мавзуси доирасида жорий назорат семинар, амалий машғулот ва лаборатория машғулотларида, одатда, қуйидаги шаклларда ўтказилади: оғзаки сўров (мантиқий муаммоли саволларни қўллаган ҳолда), илмий презентация (модулнинг тегишли мавзуси бўйича кичик гурӯхлар доирасида), муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), жамоада ишлаш («ақлий ҳужум» интерфаол услубини қўллаган ҳолда ва х. к.), хуқуқ нормаларини шарҳлаш, хуқуқни қўллаш ҳужжатлари лойиҳаларини тузиш кўникмаларини ривожлантириш машқлари хамда кафедра томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ўтказилади. Жорий назорат шакллари модулнинг ўқув дастурида қайд этилади.

10. Модулнинг ҳар бир мавзулар блоки ўқитиладиган охирги куни педагог ходим блокли жорий назоратни якунлайди ва ушбу рейтинг назорати тури бўйича таълим олувчиларнинг балларини қўяди. Бунда ҳар бир модуль мавзулари блоки учун ажратиладиган максимал балл, жорий назо-



рат учун ажратилган максимал рейтинг баллини модуль мавзулари блоки сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Таълим олувчининг ўкув машғулотларида фаол иштирок этиши педагог ходимга таълим олувчининг тегишли модуль мавзулари блоки доирасида олган балларини кўтаришга ёки унга максимал баллни кўйган ҳолда ушбу блок бўйича жорий назорат топширишдан озод қилиш хукуқини беради.

11. Жорий назорат натижалари ҳар бир модуль мавзулари блоки бўйича алоҳида равишда таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида тегишли педагог ходим томонидан Ўқув-услубий бўлим томонидан белгиланадиган муддат ичидаги киритилиши шарт. Ўқув-услубий бўлим бошлиғи билдиргисига асосан муддатни бузган педагог ходимга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Модуль бўйича жорий назоратнинг умумий натижаси педагог ходим томонидан имзолана-диган қайднома қўринишида шакллантирилади.

Жорий назорат бўйича ўзининг умумий рейтинг баллини қайта топшириш орқали кўтаришни хоҳлаган таълим олувчи, якуний назорат бошлинишидан олдин Ўқув-услубий бўлим бошлиғига тегишли ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ўқув-услубий бўлим бошлиғи таълим олувчига қайта топшириш учун йўлланма беради. Бундай йўлланма таълим олувчига ҳар бир модуль бўйича семестрда биттадан ортиқ бўлмаган микдорда берилади.

Қайта топшириш илгари жорий назорат бўйича рейтинг балларини кўйиган педагог ходим томонидан ўтказилади. Қайта топшириш натижаси бўйича кўйилган жорий назорат рейтинг баллари борасида таълим олувчига педагог ходим ўртасида келишмовчилик вужудга келган ҳолларда, мазкур балл кафедра мудири томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай педагог ходим ёки кафедра мудири томонидан таълим олувчининг илгари кўйилган рейтинг баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

12. Ҳар бир блок бўйича жорий назорат ўтказиш муддатлари мазкур Низомнинг 62-бандига мувофиқ белгиланади.

Жорий назорат натижаларининг ўз вақтида Ўқув-услубий бўлимга тақдим этилиши, шунингдек таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида уни тўлиқ ва тўғри акс эттириш учун жавобгарлик тегишли модулни ўқитадиган педагог ходимлар зиммасига юкланди.

4-боб. Оралиқ назоратни ўтказиш

13. Оралиқ назорат семестр (қайта тайёрлаш курси) давомида модуль ўкув дастурининг тегишли (модулнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугагандан кейин таълим олувчининг билим ва амалий кўнимида даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади. Оралиқ назорат таълим олувчи томонидан модуль ўкув дастурининг тегишли бўлимлари мазмунини ўзлаштириш даражаси, таълим олувчининг юридик адабиётлар, норматив-хукуқий хужжатлар билан ишлаш амалий кўнимларни, хукуқни кўллаш хужжатлари лойиҳаларини тузиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш



(кейс-стади), тизимли таҳлил, мантиқий фикрлаш, мустақил тадқиқот олиб бориш, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятыни баҳолашга қаратилган.

14. Агар Филиал Ўқув-услубий кенгashi қарорида бошқача тартиб на-зарда тутилмаган бўлса, барча модуллар бўйича оралиқ назорат таълим оловчи томонидан ўқув хонасида (ёзма имтиҳон) ёки ўқув хонасидан таш-қарида тайёрланадиган ёзма иш шаклида семестр давомида бир маротаба ўтказилади. Оралиқ назоратининг аниқ шакли Филиал Ўқув-услубий кен-гashi қарори билан белгиланади.

Ёзма иш таълим оловчи томонидан тегишли семестр (қайта тайёрлаш курси) давомида мазкур Низомнинг 62-бандида белгиланган муддатларда топширилади.

15. Модуль бўйича оралиқ назорат саволлари тегишли кафедра томони-дан тузилади. Саволлар сони Ўқув-услубий бўлим томонидан белгиланади.

Саволлар:

таълим оловчининг ўтган ўқув йилларида тайёрланган ёзма ишлардан фойдаланиш имкониятини истисно қилиш учун заруратга кўра янгиланиши; аниқ, норматив-хукуқий хужжатлар нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлиши;

мазмуни модуль ўқув дастурига мувофиқ бўлиши;

ўз ичига ўқув дастурининг тегишли бўлимларини тўлиқ қамраб олов-чи материалларни мужассам қилган бўлиши;

таълим оловчиларнинг модулни ўзлаштириш даражасини, таҳлил қилиш кўникмаларини, мустақил фикрлаш ва келажакдаги касбий фаолиятларида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятыни аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

16. Кафедра мудири семестр (қайта тайёрлаш курси) бошланишидан олдин оралиқ назорат саволларининг сифатли тайёрланиши ва ўз вактида Ўқув-услубий бўлимга тақдим қилинишини таъминлайди. Ҳар бир модуль бўйича оралиқ назорат саволлари экспертизадан ўтказилиши шарт. Саволлар экспертизаси Ўқув-услубий бўлим томонидан семестр (қайта тайёрлаш курси) бошланган кундан бошлаб икки хафта ичida ташкил қилинади. Экспертлар директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари тақ-димномасига биноан директор буйруғи асосида тайинланади. Саволлар экспертизаси мазкур Низомнинг 1-иловасида берилган шаклни тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда Ўқув-услубий бўлим оралиқ назорат саволларининг ама-лиёт билан ўзаро боғланганлик даражасини аниқлаш мақсадида суд, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар экспертларидан тегишли ху-лоса олиш йўли билан ташқи экспертизани ташкил қилиши мумкин.

Экспертиза натижалари педагог ходим — саволларни тузувчи томони-дан ўрганиб чиқилиши ва зарурат бўлганда саволлар мазмунида ва саволлар учун йўрикномаларда ифодаланиши лозим. Оралиқ назорат саволлари таълим оловчиларга факат экспертизадан ўтказилгандан сўнг тақдим қили-ниши мумкин.



17. Таълим олувчи оралиқ назорат ёзма ишларини топшириш санасидан камида икки хафта олдин Ўқув-услубий бўлим томонидан тақдим этилган саволлар ичидан ёзма иш тайёрлаш учун саволларни мустақил танлаш хукуқига эга. Таълим олувчи ёзма ишни тайёрлашга ва назорат жадвалида белгиланган саналарга қатъий риоя қилган ҳолда Ўқув-услубий бўлимга топширишга масъул ҳисобланади. Топширилган ёзма ишни алмаштириш ёки қўшимча ёзма иш топшириш тақиқланади. Топширилган ёзма иш таълим олувчига қайтарилмайди.

18. Бакалавриат талабасининг оралиқ ёзма ишининг ҳажми:

1-курсда — камида 1000 сўздан;

2-курсда — камида 1500 сўздан;

3-курсда — камида 2000 сўздан иборат бўлиши шарт.

Қайта тайёрлаш курсида — камида 2000 сўздан иборат бўлиши лозим.

Оралиқ ёзма ишининг ҳажми ушбу бандда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда мазкур иш учун рейтинг балли камайтирилиши мумкин.

19. Оралиқ назорат ёзма иши таълим олувчи томонидан компьютерда Microsoft Word дастурини қўллаган ҳолда, «Times New Roman» 14 шрифтда, 1,5 қаторларо интервалда тайёрланиши ва А4 форматдаги оқ қофозда принтердан чиқарилган бўлиши керак. Сахифа ўлчами: сахифа мўлжали китоб шаклида, юкори ва пастки майдони — 2 см, ўнг тараф — 1,5 см, чап тараф — 3 см ни ташкил этиши керак. Ёзма иш титул вараги мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ расмийлаштирилади.

Таълим олувчи белгиланган муддатларда ўз оралиқ назорат ёзма ишини Ўқув-услубий бўлимда жойлашган ишларни қабул қилиш кутисига ташлаши лозим.

Ўқув-услубий бўлим масъул ходими тегишли модуль бўйича оралиқ назорат ёзма ишларини топшириш куни соат 17:00 да таълим олувчиларнинг ишлари сақланаётган қутини очади, ишлар сонини санайди ва қабул қилинган ёзма ишлар бўйича далолатнома тузади. Титул варагининг қирк-иш чизигига бўлимнинг штампи босилади.

Ўқув-услубий бўлим штамписиз ёзма ишлар кафедралар томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди.

20. Оралиқ назорат ёзма иши таълим олувчи томонидан мустақил ра-вишда тайёрланиши шарт. Муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл кўйилмайди. Ёзма ишда қофоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбага ҳавола қилинган бўлсада, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характеристи таълим олувчининг ёзма ишни ёки унинг асосий қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса, плагиат деб топилади.

Плагиат икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

ўзга матнни сўзма-сўз баён қилиш;

парафраза — ўзлаштирилган ўзга матннинг мазмунини ўзгартирмасдан сўз ва ибораларни алмаштириб баён қилиш.

Оралиқ назорат ёзма иш матнидаги ўзганинг муаллифлик ишидан олинган ҳар қандай матнда муаллиф, ишнинг номи ва ишнинг бошқа реквизитларини кўрсатган ҳолда ҳаволалар келтирилиши шарт. Оралиқ назорат ёзма ишини текширишда муаллифликни ўзлаштириш (плагиат) ҳолатлари аниқланиши, шунингдек икки ёки ундан ортиқ ёзма ишнинг мустақил ёзилганингига шубҳа уйғотадиган даражада ўхшаш бўлиши ушбу барча ёзма ишларга ноль балл қўйиш ёки олдин қўйилган оралиқ назорат рейтинг баллини бекор қилишга асос бўлади.

21. Ёзма имтиҳон шаклидаги оралиқ назоратини ўтказишида имтиҳон саволлари, коида тариқасида, вазиятли масалаларни ўз ичига олади ва таълим оловчиларга олдиндан тақдим этилмайди. Бунда имтиҳон вақтида уларга адабиётлар ва норматив-хуқуқий хужжатлардан фойдаланишга имконият берилади.

Ёзма имтиҳон, агар мазкур бобда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, мазкур Низомнинг 5-бобида кўрсатилган тартибга мувофиқ ўтказилади.

22. Оралиқ назорат ёзма ишларини текшириш ушбу Низомнинг 6-бобига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Якуний назорат ўтказиш

23. Якуний назорат муайян модуль бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг таълим оловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули ҳисобланади. Якуний назорат таълим оловчининг модуль ўқув дастурининг мазмунини ўзлаштирганлик даражаси, унинг мантиқий фикрлаши, норматив-хуқуқий хужжатлар билан ишлаш амалий кўникмалари, хуқуқни қўллаш хужжатлари лойиҳаларини тузиш, муаммоли вазиятларни (кейс-стади) ҳал этиш, тизимли, танқидий таҳлил қила олиши, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён килиш қобилиятларини баҳолашга қаратилган.

24. Мутахассислик кафедраларининг модуллари бўйича якуний назорат семестр якунида бир маротаба ёзма имтиҳон шаклида ўтказилади. Умумтаълим фанлари ва Касбий-жанговор тайёргарлик кафедраларининг модуллари бўйича якуний назорат Филиал Ўқув-услубий кенгаши томонидан белгиланган шаклда ва тартибда ўтказилади.

25. Ёзма имтиҳон саволлари, коида тариқасида, мантиқий саволлар ва муаммоли вазиятларни ўз ичига олади. Модуллар бўйича якуний назорат саволларининг мазмуни кафедралар томонидан белгиланади.

Ёзма имтиҳон саволлари бўйича баллар микдори Филиал Ўқув-услубий кенгаши қарори билан тақсимланади.

26. Якуний назорат саволларига ушбу Низомнинг 27-банди талаблари ни инобатга олган ҳолда мазкур Низомнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилган талаблар қўйилади.

27. Кафедра мудири ўқув семестри (қайта тайёрлаш курси)нинг учинчи хафтаси бошланишидан кечикмаган ҳолда якуний назорат саволларини Ўқув-услубий бўлимга тақдим қилинишини таъминлаши шарт.



Ўқув-услубий бўлим якуний назорат саволларини олган кундан бошлаб икки хафта давомида уларнинг экспертизасини ташкил қиласди. Экспертизадан ўтказилган якуний назорат саволлари тегишли модуллар бўйича якуний назорат саволлари ягона базасига қўшилади. Якуний назорат саволлари ягона базаси ҳар йили тақдим қилинадиган якуний назорат саволлари ҳисобига кенгайиб боради. Филиал якуний назорат саволлари ягона базасидан таълим олувчилар ва педагог ходимларнинг фойдаланишига имконият яратилишини таъминлайди.

28. Ўқув-услубий бўлим якуний назорат саволлари ягона базасида мавжуд саволлар асосида имтиҳон билетларини тузади ва зарур ҳолларда бунга тегишли кафедра мудирини жалб этади.

Ўқув-услубий бўлим ходимлари, шунингдек якуний назорат учун имтиҳон билетларини тузишга жалб қилинган кафедра мудиirlари имтиҳон билетлари мазмунини ошкор қилмасликка мажбурдир. Ушбу талаб бузилган ҳолларда айбдор шахслар жавобгарликка тортилади.

29. Якуний назорат директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринbosари томонидан тасдиқланадиган, кафедраларнинг педагог ходимлари орасидан тайинланадиган аудитория раҳбари ва кузатувчилар томонидан ўтказилади. Якуний назоратни ўтказишда директор томонидан тайинланган Филиалнинг бошқа ходимлари ҳам қатнашиши мумкин.

30. Якуний назорат олиб бориш жараёни, қоида тариқасида, видеоёзувода кайд қилинади. Ўқув-услубий бўлим ходимлари видеокузатув воситасида якуний назорат ўтказиш жараёнини кузатиш хуқукига эга.

Аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг тасдиқланган рўйхати Филиал таркиби тузилмалари эътиборига етказилади.

Якуний назоратга аудитория раҳбари ёки кузатувчисининг узрли саббасиз келмаслиги (ёки кечикиб келиши) уларга нисбатан интизомий чораларни кўллашга асос бўлади. Келмаган аудитория раҳбари ва (ёки) кузатувчини алмаштириш мажбурияти тегишли кафедра мудири зиммасига юклатилади.

31. Таълим олувчилар якуний назорат ўтказилаётган аудиторияга фагат талабалик гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатни тақдим этгандаридан сўнг киритилади.

32. Имтиҳон жадвалида белгиланган ёзма имтиҳон вақти расман бошлангандан сўнг келган таълим олувчилар унда иштирок этишга қўйилмайди. Таълим олувчиларнинг ёзма имтиҳонда иштирок этганлиги холати мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган шаклга асосан расмийлаштирилади.

Кечикиб келишнинг сабаби узрли деб топилганда, таълим олувчи аудитория раҳбарининг розилиги билан киритилиши мумкин. Ушбу холатда таълим олувчи аудиторияда бўлган бошқа таълим олувчилар билан бир каторда ёзма имтиҳонни якунлаши шарт.

33. Ёзма имтиҳон ўтказилаётган аудитория раҳбари ва кузатувчилардан бошқа шахсларнинг кириши қатъиян тақиқланади. Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёни директор, директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар



бўйича ўринbosари хамда Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, шунингдек деканлар томонидан назорат қилиб турлиши мумкин.

Имтиҳон ўтказилаётган модуль бўйича кафедра мудири ёзма имтиҳоннинг бориши, хусусан, тегишли аудитория раҳбари ва кузатувчиларнинг ўз мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга оширади.

34. Аудитория раҳбари ва кузатувчилар ёзма имтиҳон ўтказишда қўйидагиларга мажбур:

таълим олувчиларни якуний назорат бошланишидан аввал уни ўтказиш тартиби ва давом этиш вақти ҳақида хабардор қилиш;

таълим олувчиларнинг мобил телефонларини ўчиришлари ва топширишларини таъминлаш;

таълим олувчиларга якуний назорат давомида фойдаланиш тақиқланган барча предметларни кузатувчиларга ўз ихтиёрлари билан топширишларини таклиф этиш;

таълим олувчиларни аудиторияда бир-бирларидан кўчиришлари учун имкон бўлмайдиган ҳолда жойлаштириш;

якуний назорат ўтказилаётган тўлиқ вақт давомида тартибга лозим даражада риоя қилинишини таъминлаш;

зарур бўлганда таълим олувчиларга қайд этилган ноаниқликлар, техник хатолар ёки топширикни бажаришга қўйиладиган маҳсус талаблар ҳақида маълумот бериш;

якуний назорат ўтказиш қоидаларини бузган таълим олувчиларни тегишли далолатнома тузган ҳолда имтиҳондан четлаштириш.

35. Ёзма имтиҳон, коида тариқасида, 2 соат (120 дақика) мобайнида ўтказилади. Имтиҳон вақти аудитория раҳбари томонидан йўл-йўриқ берилган вақтдан бошланади. Якуний назоратни бошлаш ва тутатиш вақти аудитория раҳбари томонидан аудитория доскасида акс эттирилиши зарур.

36. Имтиҳон билетлари ёзма имтиҳон ўтказилаётган аудиторияга Ўқув-услубий бўлимнинг масъул ходими томонидан Ўқув-услубий бўлимнинг штампи билан тасдиқланган жавоб варақалари билан бирга етказилади. Аудитория раҳбари имтиҳон билетлари ва жавоб варақаларини қайта сабаб олиши хамда таълим олувчиларга тарқатиши шарт.

Имтиҳон ўтказиш вақтида таълим олувчиларнинг имтиҳон билетлари даги саволларнинг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

37. Якуний назорат ёзма иши таълим олувчи томонидан мустақил равиша ёзилиши шарт.

Таълим олувчи учун ёзма ишни бошқа шахс ёзиб бериш холати аниқланганда, шунингдек текшириш вақтида икки ёки ундан ортиқ (иш мазмунининг 2/3 дан ортиғи) ўхшаш ёзма ишлар таълим олувчининг кўчирганилиги холатига асос бўлади хамда таълим олувчиларга ноль балл қўйилади.

Шифрланган ишни баҳолашнинг объективлигига таъсир кўрсатувчи холатлар аниқланганда, шу жумладан сўзнинг устига ёки тагига чизиш ёхуд атрофини чизиб қўйиш, ишда текширувчи шахс номига мурожаатнинг мавжуд бўлиши, жавоблар варафининг турли қисмларига (жумладан, очик колдирилган жойларига) график белгилар қўйиш, иш матнида таълим олув-

чининг фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиш, ишни бошқа шахснинг дастхати билан ёзиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, иш учун ноль рейтинг балли қўйилиши мумкин.

Ёзма имтихонга таълим олувчи ўрнига бошқа шахс кирган ҳолатлар аниқланганда, таълим олувчига ноль рейтинг балли қўйилиб қоидабузарлар аудиториядан чиқариб юборилади.

38. Таълим олувчиларнинг ўзлари мустақил равишида ёзма имтихон топшириш учун кўк рангли шарикли ручка билан келишлари шарт. Ёзма имтихон ўтказиш жараёнида таълим олувчиларнинг аудиториядан чиқиши, бир-бiri билан гаплашиши, бошқа таълим олувчиларга ўз имтихон варақаларини ёки имтихон билетларини бериши, ўзи билан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, лугатлар, маълумотномалар ва бошқа адабиётлар норматив-ҳуқуқий хужжатлар, конспектлар, электрон ва қофоз шаклидаги шпаргалкалар, калькуляторлар, алоқа воситалари (жумладан, уяли алоқа воситаси), аудио-, фото- ва видео-ёзув қурилмалари ва х. к. ни олиб кириши ва улардан фойдаланиши тақиқланади. Шахсий буюмлар аудиториядаги алоҳида столга қўйилиши керак.

Модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли кафедра томонидан якуний назорат ўтказиша калькулятордан фойдаланишга нисбатан истиснолар белгиланиши мумкин.

Ушбу Низом 37-бандининг тўртинчи хатбошиси ва мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган талабларни бузган таълим олувчилар аудиториядан четлаштирилади ва мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган шаклга асосан далолатнома тузилади ҳамда таълим олувчиларнинг якуний назорат иши бекор қилиниб, унга ноль рейтинг балли қўйилади.

39. Ёзма имтихон учун ажратилган вақт тугаганидан сўнг, таълим олувчи ўз имтихон билети ва жавоб варагасини аудитория раҳбарига топширишга мажбурдир. Ёзма имтихон мобайнida ёзилган ёзма иш жавоб вараглари сони аудитория раҳбари томонидан қайта саналади ва имтихонда қатнашган таълим олувчилар рўйхати ҳамда аудиториядан четлаштириш тўғрисидаги далолатномалар билан биргаликда Ўқув-услубий бўлимнинг масъул ходимига имзо қўйдириб топширилади.

40. Ёзма ишлар текширилиши ушбу Низомнинг 6-бобига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Назоратнинг объективлигини таъминлаш

41. Оралиқ ва якуний назорат ўтказиша баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида таълим олувчилар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ёзма ишларига Ўқув-услубий бўлим томонидан идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади.

42. Оралиқ ва якуний назорат ёзма ишлари (бундан буён матнда ёзма ишлар деб юритилади) Ўқув-услубий бўлимга топширилган кундан бошлаб беш кун ичida Ўқув-услубий бўлим томонидан шифрланади.

43. Шифрлаш ишлари тугагандан кейинги кундан кечиктиргмаган ҳолда

Ўқув-услубий бўлимнинг масъул ходими мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган шаклга асосан қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади ва шифрланган ёзма ишларни текширишга масъул педагог ходимларга топширади.

Ёзма ишларни текширишга масъул бўлган педагог ходимлар директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринbosари тақдимиға биноан директор томонидан тайинланади.

Якуний назорат ёзма ишларини текшириш педагог ходимлар томонидан Филиал биносининг ички қисмида маҳсус ажратилган худудда амалга оширилади. Ёзма ишни маҳсус ажратилган худуд ташқарисига олиб чиқиш тақиқланади. Маҳсус ажратилган худудда ёзма ишларни текшириш жараёнида педагог ходимлар фаолиятини техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўқув-услубий бўлим ходими иштирок этиши шарт. Маҳсус ажратилган худуд ичкарисига директор, директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринbosари, тегишли кафедра мудири ҳамда Ўқув-услубий бўлим бошлиғидан ташқари учинчи шахсларнинг кириши ман қилинади.

Текшириш якунланган куни ёзма ишлар мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида Ўқув-услубий бўлимга қайтарилади. Текшириш натижалари таълим олувчилар рейтингини аниқлаш электрон тизимиға киритилиши, шунингдек текширишни амалга оширган педагог ходим томонидан тасдиқланган, топшириш рейтинг қайдномаси шаклида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Ўқув-услубий бўлимдан ёзма ишларни текшириш учун олган вақтдан бошлаб, уларни қайтариш вақтигача (қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаш) ишларни текшириш учун масъул бўлган педагог ходимлар ёзма ишлар сақланишига тўлиқ жавобгар хисобланади. Текширилган ёзма ишлар Ўқув-услубий бўлимга қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилган муддатдан кечикмаган ҳолда қайтарилиши шарт.

Ёзма ишларни текшириш муддатлари Ўқув-услубий бўлим томонидан белгиланади ва қабул қилиш-топшириш далолатномасида ўз аксини топади.

44. Ёзма ишларни текшириш муддатларини бузган педагог ходимларга нисбатан Ўқув-услубий бўлим бошлигининг билдиргисига асосан интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

45. Ёзма ишларнинг рейтинг балли мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тузилган титул ва рақасига рейтинг баллини асослантирувчи қисқача тақриз билан кўйилади.

46. Жорий назорат рейтинг қайдномаси, оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномалари Ўқув-услубий бўлимга белгиланган муддатларда тақдим қилиниши керак.

47. Кафедранинг ёзма ишларни текширишда иштирок этган педагог ходимлари ўқув машғулотлари вақтида таълим олувчилар учун ёзма ишларда кўп учраган хатолар юзасидан маълумот берадилар.

48. Оралиқ ва якуний назоратни топшириш рейтинг қайдномаси таълим олувчининг шахсини аниқлаб бўлмайдиган тарзда (фамилияси, исми,



отасининг исми кўрсатилмаган ҳолда) тузилади, фақат таълим олувчига тегишли бўлган идентификацион код кўрсатилиб расмийлаштирилади.

Оралиқ ва якуний назоратни топшириш рейтинг қайдномаси асосида Ўқув-услубий бўлим масъул ходимлари томонидан таълим олувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми идентификация қилинади ҳамда оралиқ ва якуний назорат натижаларининг якуни акс этган таълим олувчилар рўйхати тузилади. Таълим олувчилар рўйхати бўлим масъул ходимининг тақдимига кўра Ўқув-услубий бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади ва оралиқ ҳамда якуний назорат натижалари икки кун муддат ичидаги таълим олувчилар эътиборига етказилади.

49. Таълим олувчиларнинг жорий назорат рейтинг қайдномалари, оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномаси таълим олувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми идентификация қилинган ҳолда Ўқув-услубий бўлим масъул ходимлари жамловчи рейтинг қайдномасини тузади ва у Ўқув-услубий бўлим бошлиғи ҳамда масъул ходими томонидан имзоланади ва директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ёзма иш натижалари оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномаларида нотўғри қайд қилинган ҳоллар аниқланганда, Ўқув-услубий бўлимга ёзма ишларни текшириш ва топширишга масъул бўлган педагог ходим жавобгар бўлади.

Агар ёзма иш натижаси жамловчи рейтинг қайдномасида нотўғри акс этирилган бўлса, Ўқув-услубий бўлимнинг жамловчи рейтинг қайдномасини тузишга масъул бўлган ходими, шунингдек Ўқув-услубий бўлим бошлиғи жавобгар бўлади.

Оралиқ ва якуний назорат ёзма ишлари рейтинг қайдномаларида тўғри акс этишини мониторинг қилиш учун Филиал Ўқув-услубий кенгashi ўз карори билан топшириш ва жамловчи рейтинг қайдномаларини уларда кўрсатилган балларнинг ёзма ишлар титул варагида қўйилган ҳақиқий балларга мос келишини қайта текшириш ташабbusи билан чиқиши мумкин.

Жорий назорат рейтинг қайдномасининг, оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномаларининг ҳамда якуний жамловчи рейтинг қайдномаларининг шакллари Филиал Ўқув-услубий кенгashi томонидан тасдиқланган намуна бўйича тузилади.

50. Ёзма ишларни баҳолашнинг холислигини таъминлаш мақсадида Ўқув-услубий бўлим ёзма ишларнинг тасодифий танланган ҳолда қайта текширилишини ташкил қиласди. Бу мақсадда ушбу хуқуқ соҳасига ёки фанга алоқадор бўлган Филиал педагог ходимлари жалб қилинади ва улар баҳолаш мезонлари асосида таълим олувчиларга қўйилган оралиқ ва якуний назоратлар рейтинг балларининг холислигини аниқлайди.

Педагог ходим томонидан қўйилган ва тасодифий танланган ҳолда қайта текширилган ишлар баллари орасида сезиларли даражада тафовут аниқланган ҳолда, тегишли кафедра томонидан топширилган ишларнинг маълум бир қисми ёки барчаси директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари қарорига асосан қайта кўриб чиқилиши керак. Баллар орасидаги тафо-



вутни сезиларли даражада деб ҳисоблаш мезонлари Филиал Ўқув-услубий кенгashi томонидан белгиланади. Ишларни қайта кўриб чиқиш мазкур кафедра педагог ходимлари томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида олинган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидаги амалга оширилади ва қайта кўриб чиқиш натижалари кафедра мудири имзоси билан тасдиқланади.

Баҳолаш жараёнида нохолислик ва субъективликка йўл қўйган педагог ходимларга нисбатан директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари тақдимномасига кўра интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

51. Ўқув-услубий бўлим бошлиғи оралиқ ва якуний назорат натижаси бўйича топшириш рейтинг қайдномаларини кўриб чиқиб кўп микдорда паст ўзлаштириш рейтинг балли ишларни аниқласа, бу хақда директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарини хабардор қиласи. Директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари директор буйруғи асосида ташкил этиладиган эксперталар гурӯҳи томонидан ёзма ишларни қайта текшириш хуқуқига эга.

Эксперталар гурӯҳи ишига раҳбарликни, коида тариқасида, директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари амалга оширади. Эксперталар сифатида бошка олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари ва амалиёт вакиллари (келишув асосида) иштирок этиши мумкин. Эксперталарнинг шахси ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Эксперталарнинг асосий вазифаси ёзма ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида қайта текшириб, кўйилган балларнинг мувофиқ ёки номувофиқ эканлигини аниқлаш ҳисобланади.

Қайта текшириш натижаларига кўра эксперталар гурӯҳи ўзининг эксперталар гурӯҳи аъзолари томонидан имзоланган ва директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулосасини тақдим қиласи ва бу тегишли балларни ўзгартириш учун асос ҳисобланади. Хулоса Ўқув-услубий бўлимга жамловчи рейтинг қайдномани тайёрлаш учун тақдим этилади.

Эксперталар гурӯхининг хулосаси расмийлаштирилгунга қадар оралиқ ва якуний назорат натижалари якуний эмас, деб ҳисобланади ва таълим олувчиларга эълон қилиниши мумкин эмас. Хулоса расмийлаштирилгунга қадар натижалар махфийлиги учун Ўқув-услубий бўлим масъул ходими жавобгар ҳисобланади. Ўқув-услубий бўлим бошлиғи ходимларининг лавозим мажбуриятларини бажаришлари учун зарурий шарт-шароитларни таъминлашга масъуллариди.

Масъул ходим оралиқ ва якуний назорат натижаларининг махфийлиги бузилиши юзасидан барча ҳолатлар тўғрисида Ўқув-услубий бўлим бошлиғига дархол хабар бериши керак.

52. Ўқув-услубий бўлим текширилган ёзма ишлар билан танишиш учун таълим олувчиларга имкон яратиб беради. Танишиш имкониятини олиш учун талабалар натижалар эълон қилинган кундан икки кун (тингловчилар эса бир кун) давомида Ўқув-услубий бўлим журналида рўйхатдан ўтишлари



шарт. Журналда таълим олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ўқиши курси, модуль номи ҳамда назорат тури қайд этилиши лозим. Кейинги икки кун (қайта тайёрлаш курси учун бир кун) давомида Ўқув-услубий бўлим барча таълим олувчиларнинг мурожаатларини умумлаштиради ва уларга текширилган ёзма иш билан танишиш имкониятини беради.

Таълим олувчи қўйилган баллдан норози бўлса, ўз иши билан танишгандан сўнг, бир кун давомида (жорий назорат натижасидан норози бўлганда — жорий назорат натижаларидан хабардор бўлган вақтдан бошлаб бир кун давомида) Ўқув-услубий бўлим бошлиғи номига апелляция шикоятини бериши мумкин. Мазкур ҳолатда Ўқув-услубий бўлим бошлиғи билдиригисига асосан директор буйруғи билан камида 5 кишидан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Таълим олувчининг аризаси апелляция комиссиясида таълим олувчининг (фақат жорий назорат натижалари қўриб чиқиладиган ҳолатларда), зарурат бўлганда, ушбу назорат тури бўйича балл қўйган педагог ходимнинг иштирокида қўриб чиқилади.

Аризани қўриб чиқишида апелляция комиссияси назорат ишларини ҳар томонлама ўрганади (жорий назорат натижаларини қўриб чиқишида — савол-жавоб қиласи).

Таълим олувчининг аризасини қўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдиради;

қўйилган балларни ўзгартиради.

Таълим олувчининг апелляция шикоятини қўришда унинг илгари олган рейтинг баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

53. Текширилган ёзма ишлар Ўқув-услубий бўлимда олти ой мобайнида сақланади. Муддати ўтган ишлар йўқ қилинади.

7-боб. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

54. Таълим олувчининг ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириш даражаси таълим олувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларини баҳолашнинг рейтинг тизими асосида балларда акс эттирилади.

55. Таълим олувчининг семестр (қайта тайёрлаш курси) мобайнидаги ҳар бир модуль бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.

100 балл назорат турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

жорий назорат — 30 балл;

оралиқ назорат — 20 балл;

яқуний назорат — 50 балл.

Айрим қўшимча фанлар 100 баллик тизимда баҳоланади ва бу ҳолат Филиалнинг Ўқув-услубий кенгаси томонидан алоҳида белгиланади.

Қайта тайёрлаш курсининг назорат турлари ва уларга ажратилган баллар таксимоти Ўқув-услубий кенгаш қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

56. Таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида алоҳида баҳоланадиган талабанинг курс иши (лойиха, жадвал-ҳисоблаш иши), амалиёт (стажировка), якуний давлат аттестацияси, битирув лойиха иши, шунингдек қайта тайёрлаш курси тингловчисининг битирув иши 100 баллик тизимда баҳоланади.

57. Ҳар бир назорат тури унга ажратилган максимал баллнинг 100 фоизидан келиб чиқсан холда баҳоланади.

Таълим олувчининг модуль бўйича ўзлаштиришини баҳолашда қўйидаги намунавий мезонлардан (бундан буён матнда намунавий мезонлар деб юритилади) келиб чиқиш тавсия этилади:

а) 86 — 100 фоиз олиш учун таълим олувчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (жумладан, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

муаммоли саволларни аниқлаши, ўз хуқуқий позициясини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичida илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини қўрсата олиши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;

модуль ўқув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлик ва чукур ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайдида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

б) 71 — 85 фоиз олиш учун таълим олувчи:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (жумладан, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичida илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;



стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;

амалий машғулотларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;

модуль ўқув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган модуль бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

в) 55 — 70 фоиз олиш учун таълим олувчи:

давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл кўйиши;

жавоб беришга ёки айрим маҳсус кўнікмаларни намойиш қилишда қўйналганда, модуль ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;

ўқилаётган модуль бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида педагог ходим раҳбарлигига қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

г) таълим олувчининг билим даражаси 0 — 54 гача баҳоланади, агар:

давлат таълим стандартлари доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл кўйса;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;

амалий кўнікмаларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

58. Модуль бўйича жорий назоратни баҳолаш мезонлари кафедра томонидан намунавий баҳолаш мезонлари асосида тузилади, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ҳамда таълим олувчиларга эълон қилинади.

59. Модуллар бўйича оралиқ ва якуний назоратни баҳолаш мезонлари намунавий баҳолаш мезонлари асосида ишлаб чиқилади ва Филиал Ўқув услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.



60. Модуллар бўйича семестр (қайта тайёрлаш курси) учун таълим олувчи рейтинги қуийдагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \times O^I}{100}, \text{ бунда:}$$

R_f — таълим олувчининг рейтинги;

V — семестр (қайта тайёрлаш курси)да модуль учун ажратилган умумий юклама (соатларда);

O^I — модуль бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

61. Таълим олувчи семестр (қайта тайёрлаш курси) мобайнида модуль бўйича олган умумий балли белгиланган тартибда таълим олувчи томонидан ҳар бир назорат тури бўйича олинган умумий баллар йиғиндисига teng.

8-боб. Назорат ва қайта топширишларни ўтказиш муддатлари

62. Жорий назорат жадваллари модуль раҳбари томонидан тузилади, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ҳамда тегишли семестр (қайта тайёрлаш курси) бошланишидан олдин Ўқув-услубий бўлимга тақдим қилинади.

Оралиқ ва якуний назорат жадваллари ўқув режа асосида Ўқув-услубий бўлим томонидан тузилади ва директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Таълим олувчи белгиланган тартибда таълим олувчилар рейтингини хисобга олиш электрон тизими воситасида ва Филиал биноларининг кўринадиган жойларида жойлаштирилган эълонлардан жорий, оралиқ ва якуний назорат иш натижаларини мустақил равишда билиб боришга мажбур-дир.

63. Агар ўқув режасига кўра курс иши бажариш ва (ёки) амалиёт (стажировка) ўташ кўзда тутилган бўлса, унда талабанинг кейинги курсга ўтиш (қайта тайёрлаш курсини муваффакиятли тугатиш) шарти сифатида жорий, оралиқ ва якуний назоратлардан қарздорликнинг йўқлиги билан бир қаторда, курс иши ва амалиёт (стажировка)дан, шунингдек қайта тайёрлаш курси тингловчиси эса битириув иши ҳимоясидан саралаш баллини олиши хисобланади. Курс ишларини топшириш жадвали кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Талабаларнинг амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонини ташкил қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Амалиёт (стажировка)ни ўташ назарий билимлар билан навбатланиш йўли орқали амалга оширилганида унинг натижалари Филиал Ўқув-услубий кенгashi қарорига асосан жорий назорат доирасида баҳоланиши мумкин.

64. Блокли жорий назорат бўйича ўтиш баллини тўплай олмаган ёки узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган таълим олувчиларга кейинги блок-

ли жорий назорат ўтказилгунга қадар топшириш учун муддат берилади, охирги блокли жорий назорат учун эса якуний назорат бошланишига қадар топшириш хуқуки берилади. Қайта топширишнинг аниқ муддатлари тегишли кафедра томонидан белгиланади.

Педагог ходимлар якуний назорат даври бошлангунга қадар жорий назорат натижаларини Ўқув-услубий бўлимга топшириши ва таълим олувчиликлар рейтингини хисобга олиш электрон тизимида киритиши шарт. Якуний назорат даври бошлангандан сўнг, таълим олувчининг жорий назорат бўйича рейтинг баллини ўзгартиришга фақат директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари розилиги билан йўл қўйилади.

Ўқув машгулотларида хужжат билан тасдиқланган узрли сабаблар туфайли (касаллиги, йўл-транспорт ходисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши) иштирок этмаган ва шу сабабли оралиқ назорат ёки якуний назоратни белгиланган муддатда топширмаган талабаларга қайта ўзлаштириш учун академик қарздорлар учун бериладиган бир ойлик муддатда (тингловчиларга эса битирув иши химоясига қадар) оралиқ ёки якуний назоратни топширишга директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан рухсат берилади. Бунда таълим олувчиликларнинг ёзма иши ушбу Низом 65-бандининг тўққизинчи хатбошисида академик қарздорлар учун белгиланган чекловларни хисобга олмаган ҳолда баҳоланади.

65. Таълим олувчи қўйидаги ҳолатларда академик қарздор хисобланади:

агар таълим олувчининг семестр (қайта тайёрлаш курси)да жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўплаган баллари ҳар иккала назорат турини мажбурий топширилишини хисобга олган ҳолда ушбу назорат турлари умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса;

якуний назорат бўйича таълим олувчи тўплаган балли ушбу назорат тури умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин (баҳорги семестр натижалари бўйича эса, талабаларнинг ёзги таътили ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидан сўнг) қайта ўзлаштириш, яъни тегишли назорат турини қайта топшириш орқали академик қарздорликни бартараф қилиш учун бир ой муддат берилади. Академик қарздор учун қайта топширишнинг аниқ муддатлари Ўқув-услубий бўлим томонидан белгиланади.

Академик қарздор талаба мазкур банднинг иккинчи хатбошисида мувофиқ тўплаган балларидан келиб чиқиб назоратнинг бир ёки иккала турини қайта топшириши талаб қилинади. Топширилиши керак бўлган назорат турлари Ўқув-услубий бўлим томонидан талабанинг рейтинг ўзлаштириш кўрсаткичи натижаларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади ва барча модуллар бўйича якуний назорат бошланишига қадар эълон қилинади.

Жорий назоратни қайта топшириш кафедра томонидан ташкил қилиниши шарт. Қайта топширишни қабул қилиш учун кафедра томонидан кафедра мудири раҳбарлигига комиссия тузилади. Комиссия таркибига Ўқув-услубий бўлим ходими киритилиши мумкин.



Қайта топшириш натижалари алоҳида қайднома тарзида талабаларга қайта ўзлаштириш учун бериладиган бир ойлик муддатда Ўқув-услубий бўлимга топширилиши шарт.

Оралиқ ва якуний назоратни ўтиш рейтинг баллини кўтариш мақсади-да қайта топширишга, қоида тариқасида, рухсат берилмайди.

Академик қарздор таълим олувчига қайта топширишда оралиқ ва якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 55 фоизидан ортиқ балл қўйилиши мумкин эмас.

Таълим олувчини жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизидан кам баллни олиши уни якуний назоратга киритмаслик учун асос бўлмайди.

Қайта тайёрлаш курсида таҳсил олаётган тингловчиларга назорат турларидан академик қарздорликни бартараф этиш учун битирув иши химоясига қадар бир маротаба қайта топшириш имконияти берилади.

66. Қайта ўзлаштириш учун берилган бир ойлик муддатда академик қарздорликни бартараф этмаган талабалар, ўкув фанлари бўйича келгуси семестрнинг якуний назорат даври бошлангунга қадар тегишли фанлар бўйича академик қарздорликни қайта топшириш шарти билан кейинги курс (семестр)га ўтказилади. Ушбу қоида бакалавриат босқичида назарий ўқишнинг охирги семестрида ўтиладиган ўкув фанларига татбиқ этилмайди.

Кейинги семестрда ўқишни давом эттирган ҳолларда академик қарздорлик талаба томонидан ушбу рейтинг назорати тури учун белгиланган шаклда бир маротаба қайта топширилади. Бунда жорий назорат бўйича қайта топшириш директор буйруғи асосида ташкил қилинадиган ва қоида тариқасида, директорнинг ўкув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлик қиладиган комиссия томонидан қабул қилинади.

Кейинги семестрда ўқиш давом эттирилган ҳолларда академик қарздорликни қайта топширишнинг аниқ муддати директор томонидан белгиланади.

Модулни мазкур бандда белгиланган муддатда ўзлаштирмаған ва академик қарздорликни бартараф этмаган талаба Ўқув-услубий бўлим бошлиғининг тавсиясига кўра директор буйруғи билан ўзлаштира олмаган (кредитлар тўпланмаган) модулларни такроран ўқитиши учун тегишли курсда қолдирилади. Бу ҳолатда бошқа модуллар бўйича тўпланган баллар (кредитлар) сақланиб қолинади ва бунда талаба ушбу модуллар бўйича ўкув машғулотларида иштирок этиши мумкин.,

Қайта тайёрлаш курсида таҳсил олаётган тингловчи назорат турларидан академик қарздорликни бир маротаба берилган имкониятдан фойдаланиб бартараф этмаганда тингловчилар сафидан четлаштирилади.

67. Ушбу Низомнинг 66-бандида белгиланган тартибда келгуси семестрда ўқиши давом эттираётган талабаларга стипендия улар томонидан академик қарздорлик бартараф этилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тайинланади.

68. Ушбу Низомнинг 66-бандида белгиланган тартибда келгуси семестрда ўқиши давом эттираётган талаба ўқишининг тегишли курсида қолдирилганда, у академик қарздорлик вужудга келган курсда қолдирилган деб хисобла-



нади. Ушбу талаба қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда талабалар сафидан четлаштирилганда, талабалар сафидан четлаштириш асосидан қатъи назар, академик қарздорлик пайдо бўлган курсидан четлаштирилган деб хисобланади.

Академик қарздорлик туфайли тегишли курсда қолдирилган талаба академик қарздорлик вужудга келган семестрдан ўзлаштира олмаган модуларни такроран ўқийди.

9-боб. Рейтинг натижаларини рўйхатдан ўтказиш ва таҳлил қилиш

69. Таълим олувчининг модуль бўйича тўплаган баллари семестр (қайта тайёрлаш курси) якунида жамловчи рейтинг қайдномасига бутун сон кўринишида киритилади. Модулни ўқитаётган педагог ходимлар таълим олувчилар рейтингини хисобга олиш электрон тизимининг тегишли бўлмини тўлдиради.

Педагог ходим томонидан оралиқ ва якуний назорат ёзма ишининг титул вараги устида балл қўйилиши шарт. Балл аниқ ифодаланган шаклда педагог ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қўйилиши керак.

Ҳар қандай тузатишлар кафедра мудирининг имзоси билан тасдиқланниши шарт.

70. Якуний назорат натижалари бўйича Ўқув-услубий бўлим жорий назорат рейтинг қайдномаси, оралиқ ва якуний назорат топшириш қайдномаларига асосан таълим олувчилар рейтингини аниқлайди хамда жамловчи рейтинг қайдномасини тузади.

71. Таълим олувчининг рейтинги унинг билими, малакаси ва кўникмалари даражасини белгилаб беради. Таълим олувчининг семестр (курс, қайта тайёрлаш курси) бўйича умумий рейтинги барча модуллар бўйича тўплаган рейтинг балларини кўшиш йўли билан аниқланади.

72. Талабаларнинг умумий рейтинги, шунингдек модуллар бўйича тўпланган кредитлар сони ҳар бир семестр ва ўқув йили якунидан сўнг, тингловчиларнинг умумий рейтинги эса қайта тайёрлаш курси якунида эълон қилинади.

73. Агар модуль бир неча семестр давомида ўтилган бўлса, Ўқув-услубий бўлим томонидан талаба дипломининг иловаси ёки академик маълумотнома тузилаётган вактда рейтинклар йифиндиси ва тўпланган кредитлар сони хисобга олинади.

Талабага имтиёзли диплом белгилаш вақтида унинг модуллар бўйича ўзлаштириши ҳар бир семестр натижасига кўра хисобга олинади.

74. Таълим олувчиларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари Ўқув-услубий бўлим томонидан тизимли равишда таҳлил қилинади ва Филиал Ўқув-услубий кенгашида мухокама қилиш учун киритилади.

75. Жорий, оралиқ ва якуний назорат ишларининг натижалари Филиал Кенгашида мунтазам равишда мухокама қилинади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

76. Ўқув йилининг якуни бўйича рейтинг назорати натижаларига кўра



талаабаларни белгиланган тартибда кейинги курсга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

10-боб. Якуний қоида

77. Мазкур Низом Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

*Адлия вазири ўринбосари –
Тошкент давлат юридик
университети ректори*

E. КАНЬЯЗОВ

2019 йил 27 июнь

Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчилар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

1^а-шакл

**Оралиқ назорат саволларини ички экспертиза қилиш
ШАКЛИ**

Таълим курси	
Ўқув йили	
Семестр	
Модуль номи	
Модуль раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертиза учун қўйилган талаблар	Ха ёки йўқ
Саволлар ўқув дастури мавзулари доирасида тузилган ва ўз мазмуни бўйича ўтган ўқув йиллардаги саволлардан фарқ қиласди	
Саволлар ўқув дастурида қўзда тутилган билим ва кўникмаларни текширишга қаратилган	
Саволлар ўз мазмуни бўйича аниқ, қонунчиллик нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ	
Саволлар таҳлил қилиш қобилияти ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларни баҳолашга қаратилган	
Саволлардаги йўриқномалар талабадан нима талаб қилиниши тўғрисида аниқ кўрсатмаларни қамраб олади	
Оралиқ назоратни баҳолаш мезонлари кўрсатилган	
Саволлар мустақил тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган	
Эксперт фикри ва тавсиялари: (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, уларни кўрсатинг ва асосланг)	
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»



Савол тузувчининг жавоби (ўқитувчи эксперт томонидан берилган ўзгартириш ва кўшимчаларни киритишга эътиroz билдирган ҳолларда тўлдирилади)

Имзо:

Сана: 20__ йил «__»

1^б-шакл

**Оралиқ назорат саволларини ички экспертиза қилиш
ШАКЛИ**

Маҳсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курси	
Модуль номи	
Модуль раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертиза учун қўйилган талаблар	Ха ёки йўқ
Саволлар ўқув дастури мавзулари доирасида тузилган ва ўз мазмуни бўйича ўтган ўқув йиллардаги саволлардан фарқ қиласди	
Саволлар ўқув дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни текширишга қаратилган	
Саволлар ўз мазмуни бўйича аниқ, қонунчилик нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ	
Саволлар таҳлил қилиш қобилияти ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини баҳолашга қаратилган	
Саволлардаги йўриқномалар тингловчидан нима талаб қилиниши тўғрисида аниқ кўрсатмаларни қамраб олади	
Оралиқ назоратни баҳолаш мезонлари кўрсатилган	
Саволлар мустақил тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган	
Эксперт фикри ва тавсиялари: (ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш зарур бўлса, уларни кўрсатинг ва асосланг)	
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»
Савол тузувчининг жавоби (ўқитувчи эксперт томонидан берилган ўзгартириш ва кўшимчаларни киритишга эътиroz билдирган ҳолларда тўлдирилади)	
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»



**Якуний наз орат саволларини экспертиза қилиш
ШАКЛИ**

Таълим курси		
Ўқув йили		
Семестр		
Модуль номи		
Модуль раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми		
Экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми		
Экспертиза учун қўйилган талаблар	Ха ёки йўқ	
Саволлар ўқув дастури мавзулари доирасида тузилган ва ўз мазмуни бўйича ўтган ўқув йиллардаги саволлардан фарқ қиласди		
Саволлар ўқув дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни текширишга қаратилган		
Саволлар ўз мазмуни бўйича аниқ, қонунчилик нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ		
Назарий саволлар мантиқий фикрлаш, таҳлил ёки танқидий таҳлил этиш қобилияти ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини баҳолашга қаратилган		
Саволлардаги йўриқномалар талабадан нима талаబ қилиниши тўгрисида аниқ кўрсатмаларни қамраб олади		
Вазиятли масалалар талабадан қонунчиликни чуқур билиш ва англазни талаб этади		
Эксперт фикри ва тавсиялари: (ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, уларни кўрсатинг ва асосланг)		
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»	
Савол тузувчининг жавоби (эксперт томонидан тавсия қилинган ўзгартериш ва қўшимчаларга эътиroz бўлган ҳолларда тўлдирилади)		
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»	



Махсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курси	
Модуль номи	
Модуль раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми	
Экспертиза учун қўйилган талаблар	Ха ёки йўқ
Саволлар ўкув дастури мавзулари доирасида тузилган ва ўз мазмунни бўйича ўтган ўкув йиллардаги саволлардан фарқ қиласди	
Саволлар ўкув дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни текширишга қаратилган	
Саволлар ўз мазмуни бўйича аниқ, қонунчилик нормаларига асосланган ва амалиёт билан бевосита боғлиқ	
Назарий саволлар мантиқий фикрлаш, таҳлил ёки танқидий таҳлил этиш қобилияти ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини баҳолашга қаратилган	
Саволлардаги йўриқномалар тингловчидан нима талаб қилиниши тўғрисида аниқ кўрсатмаларни қамраб олади	
Вазиятли масалалар тингловчидан қонунчиликни чуқур билиш ва англашни талаб этади	
Эксперт фикри ва тавсиялари: (ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, уларни кўрсатинг ва асосланг)	
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»
Савол тузувчининг жавоби (эксперт томонидан тавсия қилинган ўзгартириш ва қўшимчаларга эътиroz бўлган ҳолларда тўлдирилади)	
Имзо:	Сана: 20__ йил «__»



(893)-сон

— 59 —

517-модда



Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтинослаштирилган филиалида таълим олувчилар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

1^а-шакл

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИХТИОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛИ

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ УЧУН ТИТУЛ ВАРАФИ

-курс талабалари учун

Модуль номи:

Иш тури:

Ўтказилган сана:

Сизнинг жавобингиз қўйидаги баҳолаш мезонлари асосида
баҳоланади (оралиқ назорати бир мартадан ортиқ ўтказилган-
да, умумий балл тегишли сонга бўлинади):

1.		0	1	2	3	4	5
2.		0	1	2	3	4	5
3.		0	1	2	3	4	5
4.		0	1	2	3	4	5

Мустақил иш бўйича қўшимча тақриз:

Умумий балл

Текширувчи Ф.И.О. ва имзоси: _____

--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--	--

(Талабанинг Ф.И.О.)

(курс)

Модуль номи _____
(талабанинг имзоси)

Қабул қилувчининг Ф.И.О. ва имзоси _____



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛИ**

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ УЧУН ТИТУЛ ВАРАГИ

Махсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курси

Модуль номи:

Иш тури:

Ўтказилган сана:

Сизнинг жавобингиз қўйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади (оралиқ назорати бир мартадан ортиқ ўтказилганди, умумий балл тегишли сонга бўлинади):

1.		0	1	2	3	4	5
2.		0	1	2	3	4	5
3.		0	1	2	3	4	5
4.		0	1	2	3	4	5

Мустақил иш бўйича қўшимча тақриз:

Умумий балл

Текширувчи Ф.И.О. ва имзоси: _____

--	--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--	--	--

(Тингловчининг Ф.И.О.)

(гурух)

Модуль номи _____
(тингловчининг имзоси)

Қабул қилувчининг Ф.И.О. ва имзоси _____



Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтинослаштирилган филиалида таълим олувчилар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

1^а-шакл

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИХТИОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛИ**

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ УЧУН ТИТУЛ ВАРАФИ

-курс талабалари учун

Модуль номи:

Иш тури:

Ўтказилган сана:

А бўлимдаги (сон) мантиқий саволга жавоб ёзилиши шарт.

T/p	Баҳолаш мезонлари	1-мантиқий савол	2-мантиқий савол
1.			
2.			
3.			
4.			
Жами балл			

Б бўлимдаги (сон) казусга жавоб ёзилиши шарт.

T/p	Баҳолаш мезонлари	Казус
1.		
2.		
3.		
4.		
Жами балл		

Кўшимча такриз учун:

Умумий балл

Текширувчи Ф.И.О. ва имзоси: _____

--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--	--

_____ (Талабанинг Ф.И.О.) _____ (курс)

Модуль номи _____ (талабанинг имзоси)

Кабул қилувчининг Ф.И.О. ва имзоси _____



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛИ**

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ УЧУН ТИТУЛ ВАРАГИ

Махсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курси

Модуль номи:

Иш тури:

Ўтказилган сана:

А бўлимдаги (сон) мантиқий саволга жавоб ёзилиши шарт.

T/p	Баҳолаш мезонлари	1-мантиқий савол	2-мантиқий савол
1.			
2.			
3.			
4.			
Жами балл			

Б бўлимдаги (сон) казусга жавоб ёзилиши шарт.

T/p	Баҳолаш мезонлари	Казус
1.		
2.		
3.		
4.		
Жами балл		

Кўшимча тақриз учун:

Умумий балл

Текширувчи Ф.И.О. ва имзоси: _____

--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--

(Тингловчининг Ф.И.О.)

(гурух)

Модуль номи _____
(тингловчининг имзоси)

Қабул қилувчининг Ф.И.О. ва имзоси _____



Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтинослаштирилган филиалида таълим олувчиликар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

1^а-шакл

**Ёзма имтиҳонда қатнашган талабалар
РЎЙХАТИ**

Модуль номи: _____

Курс: _____

Ёзма имтиҳон ўтказилган сана: _____

T/р	Талабанинг Ф.И.О.	Талабанинг имзоси
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		
6.		
7.		
8.		
9.		
10.		

Жами: _____ талаба

Аудитория раҳбари: _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Кузатувчи: _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)



**Ёзма имтиҳонда қатнашган тингловчилар
РЎЙХАТИ**

Махсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрлаш курси

Ўқиши муддати: _____

Модуль номи: _____

Ёзма имтиҳон ўтказилган сана: _____

Т/р	Тингловчининг Ф.И.О.	Тингловчининг имзои
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		
6.		
7.		
8.		
9.		
10.		

Жами: _____ тингловчи

Аудитория раҳбари: _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Кузатувчи: _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)



(893)-сон

— 65 —

517-модда



Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчиликар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Талаба (tinglovchi)ни ёзма имтиҳондан
четлаштириш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Тошкент ш.

20__ йил «__» _____

Биз қўйида имзо чекувчилар аудитория раҳбари ва кузатувчи (кузатувчилар) ушбу далолатномани қўйидагилар ҳакида туздикки, талаба (tinglovchi) _____

(Ф.И.О. ва академик гурух)

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослашган филиалида таълим олувчиликарнинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 38-бандига асосан 20__ йил «__» _____ да

(модуль номи)

модули бўйича ёзма имтиҳондан _____

(четлаштириш сабаби)

сабабларга кўра четлаштирилди.

Аудитория раҳбари: _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.) _____

Кузатувчилар: _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.) _____



Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиалида таълим олувчилар-
нинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш
мезонлари тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Ёзма ишларни (назорат тури) қабул қилиш-топшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

20__ йил «___» _____

Модуль номи: _____

Курс: _____

Ёзма ишни қабул қилиш санаси: _____

Ишни текшириш муддати: _____

Ишлар сони: _____

**Текшириш учун
масъул ўқитувчи**

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Ўқув-услубий бўлим
масъул ходими**

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ёзма ишларни қайтариш санаси: _____

Ишлар сони: _____

**Текшириш учун
масъул ўқитувчи**

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Ўқув-услубий бўлим
масъул ходими**

(имзо)

(Ф.И.О.)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

518 Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясими «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПК-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги 731-сон «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги 20, 348-В-1-сон қарори (рўйхат рақами 2980, 2018 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 11-сон, 213-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 3 июль,
82-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 июлда эълон қилинган.

**Марказий банк раиси****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 3 июль,
348-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 3 июлдаги
82, 348-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ
банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга
пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни
ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар — давлат пенсиялари, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга бериладиган нафақалар, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дафн этишга нафақалар, уйжой-коммунал хизматлари тўловлари ҳамда ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш ва автобензин сотиб олиш харажатлари учун ҳар ойлик пул компенсация тўловлари, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга ва 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қўйматига тенг компенсация тўловлари, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга ва ядро полигонлари ҳамда бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга йиллик бир йўла моддий ёрдам пуллари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахсларга йиллик бир марталик пул мукофотлари, пенсия ва нафақалардан алимент тўловлари, ўрнатилган тартибда тутатилган ташкилотлар ходимларига уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб қасалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар суммалари;».

2. 7-бандда:

иккинчи хатбоидан «, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар» деган сўзлар чиқарib ташлансин;



(893)-сон

— 69 —

518-модда

куйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун хар ойлик пул компенсация тўловлари;

пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақа тўловлари;»;

ўнинчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб хисоблансин.

3. 44-банддаги «3.1 — 3.4-иловалардаги» деган сўзлар «2-иловасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. 3.1 — 3.4-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгashi билан келишилган.

*Акциядорлик тижорат
Халқ банки Бошқарув раиси*

M. ЭШМАТОВ

2019 йил 3 июль

*Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича
республика кенгashi раисининг
биринчи ўринбосари*

Ш. ЖАВЛОНОВ

2019 йил 3 июль



Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тикораг
пенсионерларга орқали ишламайтиган
Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайтиган
тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги ўйнокларни а
киришиёттан ўзгаририш ва кўпимчалари а
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тикораг
Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайтиган
пенсионерларга пенсиялар, нафакалар ва бошқа тўловларни
тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги ўйнокларни а
2-ИЛОВА

Акциядорлик тикорат Халқ банки _____ томонидан барча турдаги пенсия ва нафасалар тўланини тўғри сила
Бюджетдан ташқари Пенсия жам гармаси _____ билан
СОНИНТИРМАДАЛОЛАНМОА

Номинал Т/р	Тўлов тури		Хисоб р架зум	Молия- лашсан пенсия микдори	Накд шуда тўлашган маблаг микдоши	Банк хизмат ҳекми	Кайга- рилган маблаг микдоши	Колдик микдоши	Сўнада	
									Сўнада	Сўнада
1.	Давлат пенсиялари			22632%001						
2.	Боалислан нотигро налии бўлган шахсларга ва ўн саккиз ёшта тўймаг ан ОИВ		22632%002							
3.	Инфекциясига чалинган шахсларга нафасалар			22632%003						
4.	Дафн этишип анафакалар			22632%004						
5.	Боғ тунгандан берилди ан нафасалар			22632%005						
6.	Уйжой-коммунал хизматлари тўловлари			22632%006						
7.	Харәкаглари бўйича компенсация йу.л			22632%007						
8.	Лугатилган ташкиллар ходимларига Уларнинг меҳнат вазифаларини бажарни билин боғ дикъ, холда жаробаличиниши, кабоб, касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бопика хизматчиликнинг тўлошни ташкилган зарар суммалари			22632%008						
9.	Ун ва колпили ион харид килиш бўйича кўпимчага харажатларни коплаш учун хар оийлик пул компенсация тўловлари			22632%009						



Т/р	Тўлов тури	Хисоб рақам	Молия-ланганчи нечча МИКДОРИ	Надорудла тўланган маблаг МИКДОРИ	Банк хизмат хачи	Кайта- рилган маблаг МИКДОРИ	Сўнга
10.	Пенсия тайнишаш учун зарур иш сизкига эга бўлмаган кекса ёшлини ва меҳнатга ласкасиз фуқароларга ҳамда болаликлар нотиронлини бўлган фарзанди бор онанга нафака тўловиари	22632%0010					
	Жами:		0,00	0,00	0,00	0,00	0,00

АТ Ҳаалиқ банки _____ бопшару винси:

АТ Ҳаалиқ банки _____ бопшару винси:

АТ Ҳаалиқ банки _____ бопшару винси:

Пенсия ва нафака тўловлари бўлимни оплини:

Бюджетдан ташқари Пенсия жам гараси _____ бопшилиги:

Бюджетдан ташқари Пенсия жам гараси _____ бопшилиги:

М.Ӯ.

М.Ӯ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИННИГ
ҶАРОРИ

**519 Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш
қоидаларига ўзгартириш кириши ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини та-комиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларининг 2-банди тўртинчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июль,
01-02/8-43-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 июлда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ

520 **Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 июль, 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/14-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
8 июндаги 13/14-сон карорига
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро
муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг
фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«5. Банк хизматларини тақдим этиш шартлари, ушбу шартларнинг ўзгариши хақидаги маълумотлар банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, шунингдек банкнинг ахборот стендларида доимий равишда жойлаштириб борилиши керак.

Бунда, банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши хақидаги маълумот кучга киришидан камида ўн кун олдин, валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумот зудлик билан эълон қилиниши лозим.».

2. Кўйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Истеъмолчи банк хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани (кредит, депозит, банк ҳисобварафига хизмат кўрсатиш, лизинг, банк карталари ва бошқалар бўйича) имзо қўймасдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли.

Банк истеъмолчини ушбу хукуқقا эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.».

3. Кўйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Банк истеъмолчига ёки унинг ваколатли вакилига банк хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этиши керак.».

4. 13-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Расмий веб-сайтга жойлаштирилаётган ахборотларнинг санаси кўрсатилиши керак.».

5. Кўйидаги мазмундаги 24¹-банд билан тўлдирилсин:

«24¹. Банк омонатчилар учун қонун хужжатларида назарда тутилмаган чекловлар ўрнатишга ҳақли эмас.».

6. 26-банд қўйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«фоиз ставкалари;

омонат бўйича асосий сумма ва фоизли даромадларни тўлаб бериш тартиби;

омонатга қўшимча маблағ киритиш имконияти;

омонатга нақд пулларни кирим қилиш қандай хужжат билан расмийлаштирилиши;

омонатга қўйиш мақсадида банк кассасига нақд пулларни топшириш



ёки банк ҳисобварағига маблағларни ўтказишдан аввал банк билан депозит шартномасини расмийлаштириш шартлиги;»;

тўқизинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. 27-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фоиз ставкасиning йиллик номинал қиймати, шунингдек истеъмолчи мурожаат қилган санадаги кредитнинг тўлиқ қиймати (шартнома тузиш пайтида унинг мутлақ қийматини, яъни кредит ёки қарзнинг асосий қиймати, фоизлари, комиссиян ва бошқа тўловлар, шу жумладан амалдаги тарифлар бўйича учинчи шахс фойдасига тўланадиган тўловларни, агар бундай тўловлар қарздорнинг мажбурияти бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса, уларни алоҳида кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади);»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«истеъмолчи томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, кредитни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш муддатлари;

кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати;

кредит таъминотига қабул қилинадиган гаров турлари (агар гаров талаб қилинса).».

8. Қўйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Истеъмолчи кредит олиш учун банкка мурожаат қилганида, банк мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ Кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варагасини (бундан буён матнда Ахборот варагаси деб юритилади) истеъмолчи билан биргаликда тўлдиради ва истеъмолчига бепул тарзда тақдим этади.

Ахборот варагаси кредит олиш учун буюртманома ҳисобланмайди.».

9. Қўйидаги мазмундаги 36¹ — 36⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«36¹. Истеъмолчи-жисмоний шахс банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш ҳукуқига эга.

36². Банк томонидан тўлов шаклига қараб (нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар) банк хизматлари учун хар хил нархлар (тарифлар) белгилаш тақиқланади.

36³. Истеъмолчиларга нисбатан банк томонидан банк хизматлари учун тўловларни фақат ўз филиалларининг кассалари (мини-банклари) орқали ва (ёки) нақд пул шаклида тўлаш, шунингдек омонатларга маблағлар фақат нақд пул шаклида қабул қилиш лозимлиги бўйича талаб белгиланишига йўл қўйилмайди.

36⁴. Истеъмолчи-жисмоний шахс яшаш жойидан қатъи назар, ўзи танлаган банкка кредит олиш учун мурожаат этишга ҳақли.».

10. 38-бандда:

биринчи хатбошисидаги «банкка ўтказиш» деган сўзлар «шахс фойдасига воз кечиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган қоидалар ипотека кредитлари бўйича талабларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини



ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясига ўтказиш ҳолатларига татбиқ этилмайди.».

11. Кўйидаги мазмундаги 47¹ — 47⁶-бандлар билан тўлдирилсин:

«47¹. Банк истеъмолчининг мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга ҳақли эмас. Банк томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

Банк томонидан мурожаатни қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

47². Банк ўзининг расмий веб-сайти орқали истеъмолчиларнинг электрон мурожаатларини қабул қилишни ташкиллаштириши лозим.

47³. Банклар истеъмолчилар билан телефон алоқаси орқали боғланишини таъминловчи Call-марказларга эга бўлишлари лозим. Мазкур Call-марказлар орқали истеъмолчиларга банк фаолияти билан боғлиқ оғзаки маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилиши керак.

47⁴. Call-марказлар телефонларининг ракамлари банк расмий веб-сайти бош сахифасида, шунингдек унинг филиаллари, мини-банклари ва банк биносидан ташқарида жойлашган кассаларининг ахборот стендларида жойлаштирилиши лозим.

47⁵. Call-марказ орқали тушаётган мурожаатлар иш вақти давомида қабул қилинади.

47⁶. Истеъмолчининг оғзаки мурожаатида баён этилган масала қўшимча ўрганишни ёки қўшимча текшириш ўтказишни талаб этмаса, ушбу мурожаатга жавоб телефон орқали ёки шахсий қабул давомида оғзаки берилиши мумкин.

Агар истеъмолчининг оғзаки мурожаатида баён этилган масаласи қўшимча ўрганишни талаб этса, истеъмолчига мурожаатни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда тақдим этиш таклиф этилади.».

12. Кўйидаги мазмундаги 49¹ ва 49²-бандлар билан тўлдирилсин:

«49¹. Истеъмолчиларнинг ёзма мурожаатлари банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари банкнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

49². Кўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у банк-



нинг раҳбари ёки ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқлади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.».

13. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро
муносабатларни амалга оширишда тижорат
банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал
талаблар тўғрисида низомга киритилётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро
муносабатларни амалга оширишда тижорат
банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал
талаблар тўғрисида низомга
ИЛОВА

Кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варагаси*

Тижорат банкининг номи		
Мазкур варага ким томонидан тўлдирилган (Ф.И.О. ва банк мутахассисининг лавозими)		
Тўлдирилган сана		
1-бўлим. Кредит бўйича маълумотлар		
1. Кредитнинг мақсади (тури)		
2. Ажратиладиган кредитнинг валюта тури		
3. Кредитнинг миқдори		
4. Кредитнинг муддати		
5. Кредитнинг фоиз ставкаси (номинал миқдорда)	(фоиз кўринишидан)	(кредитнинг тўлиқ муддатига пул кўринишидан)
6. Кредитнинг тўлиқ қиймати (номинал фоиз ставкасини ва кредитга хизмат кўрсатиш харажаси тарини ўз ичига олади)		

* Мазкур варага кредит шартномаси ёки кредит олиш учун буюртманома ўрнини босмайди, аксинча турли банкларнинг кредитлаш шартларини такқослашга ва керакли танловни амалга оширишга ёрдам беради.



7. Тўловларнинг даврийлиги (ҳар ойда, ҳар чоракда ва ҳ. к.)	
8. Кредитни сўндириш усули (аннуитет усулида (тeng миқдорларда), кредитнинг қолдиқ суммасидан камайиб бориш усулида ва ҳ. к.)	
9. Тўловларнинг даврида бир марталик тўловнинг суммаси	(аннуитет усулида)
10. Кредит билан боғлиқ қўшимча харажатлар, жумладан: - Турлари бўйича банкнинг комиссия ва йигимлари (алоҳида кўрсатилсан)	(кредитни тўлиқ муддатига нуғ кўринишида, жами)
- учинчи шахслар хизмати (алоҳида кўрсатилсан)	(кредитни тўлиқ муддатига нуғ кўринишида)

Кредит олишга рози бўлишдан олдин дикқаг билан ўрганиб чиқинг!
2-бўлим. Бошқа муҳим шартлар

1. Кредит шартномаси шартлари бузилганлиги учун неустойка	(фоиз ёки қатъий белгиланган сумма кўрсатилади, шунингдек неуст ойка ҳисоблаши учун асос бўлувчи шартнома шартлари келтирилади)
2. Кредит бўйича қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаганлиги учун кредит суммасидан тўланадиган оширилган фоиз ставкаси миқдори (агар бундай шарт мавжуд бўлса)	(фоизада)
3. Кредитнинг таъминоти (таъминот предметига қўйиладиган минимал талаблар, гаровнинг минимал қиймати)	

Мазкур ахборот варакасининг 1 ва 2-бўлимларда келтирилган маълумотлар якуний ҳисобланмайди ва кредит шартномасида ўзгартирилиши мумкин.

3-бўлим. Кредит олиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати

- 1.
- 2.
- ...

4-бўлим. Бўлажак қарз олувчи сифатида Сизнинг хуқуқларингиз

1. Сиз банкни ва банк хизматларини танлашда эркинсиз.
2. Сиз кредит шартномаси ёки бошқа шартнома ва битимларни имзолашдан бош тортишга хақлисиз.



3. Сиз кредит шартномаси тузишда шартнома тузиладиган тилни танлаш ҳукуқига эгасиз (давлат ёки рус тилларида).

4. Сиз кредит шартномаси лойиҳасини банк ташқарисида танишиб чиқиши ва маслаҳатлашиш учун олишга ҳақлисиз.

5. Сиз кредитнинг шартлари ва қиймати тўғрисида, тўловлар ва хисоб-китоблар тартиби тўғрисида (фоизлар, жарима ва пенялар), кредит шартномаси бўйича Сизнинг ҳукуқларингиз ва мажбуриятларингиз тўғрисида, кредит шартномаси бўйича юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва жавобгарликлар тўғрисида, шунингдек Сизга тушунарсиз бўлган бошқа масалалар юзасидан банкдан тўлиқ ва батафсил маълумот олишга ҳақлисиз.

6. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин, бирок пул маблағлари ҳақиқатда олингунга қадар Сиз кредит олишдан бирон-бир тўловларсиз возкечиш ҳукуқига эгасиз.

Банк ходимлари ҳақ эвазига кредит олиш юзасидан кўмаклашишга ҳақли эмас.

Агар Сизда шикоятлар мавжуд бўлса, у ҳолда Сиз мурожаатингизни (телефон рақами кўрсатилади) рақамли телефонга ёки (банкнинг почта манзили кўрсатилади) манзилга ёки (банкнинг электрон почтаси манзили кўрсатилади) электрон манзилга жўнатишингиз мумкин.

АХБОРОТ ВАРАҚАСИННИГ ТЎҒРИЛИГИ ВА ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТАСДИҚЛАНАДИ.

(Ф.И.О. ва банк мутахассисининг лавозими) ».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҖАРОРИ

521 «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2344-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди:**

1. Айрим идоравий норматив-хукукий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
22 юнданги 14/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хукукий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 10 мартағи 8/1-сон «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори

* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 июлда эълон қилинган.



, (893)-сон

— 81 —

521-522-моддалар

(рўйхат рақами 2344, 2012 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон, 136-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 14 мартағи 6/2-сон «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2344-1, 2015 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 23 март, 11-сон, 132-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги 7/4-сон «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2344-2, 2017 йил 21 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 24 апрель, 16-сон, 282-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

522 «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартишларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Айрим идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 июлда эълон қилинган.



2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
22 июндаги 14/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 январдаги 1/10-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2758, 2016 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 8 февраль, 5-сон, 43-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/10-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2758-1, 2017 йил 28 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 4 декабрь, 48-сон, 1185-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 январдаги 3/9-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2758-2, 2018 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 12 февраль, 6-сон, 114-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**523 «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олин-
ган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаёт-
ган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оиласвий тадбиркорлик
субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш-
ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади**:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
22 июндаги 14/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги 7/3-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олин-ган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тад-

* Ушбу қарор «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 июлда эълон қилинган.



биркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2883, 2017 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 15 май, 19-сон, 351-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/11-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг З-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2883-1, 2017 йил 28 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 4 декабрь, 48-сон, 1186-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

524 «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 21 февралдаги 6/1-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2975, 2018 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 йил 26 февраль, 8-сон, 150-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 июлда эълон қилинган.



(893)-сон

— 85 —

524-модда

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/14-сон



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-хуқукий хужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 13 июлдан 19 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 3, 30-к/к-сон «Тошкент давлат юридик университетининг Ихтинослаштирилган филиалида таълим олувчиликнинг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3173.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 3 июндаги 82, 348-В-1-сон «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 8 июндаги 01-02/8-43-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/14-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/11-сон «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.



2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2344-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/12-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битириувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор ва унга ўзгартаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2758-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/13-сон «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оиласвий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор ва унга ўзгартаришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2883-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/14-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2344, 2012 йил 20 март), шунингдек унга ўзгартариш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2344-1, 2015 йил 20 март), (рўйхат рақами 2344-2, 2017 йил 21 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 июндаги 298-мҳ-сон буйругига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битириувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2758, 2016 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартаришлар (рўйхат рақами 2758-1, 2017 йил 28 ноябрь), (рўйхат рақами 2758-2, 2018 йил 8 февраль).



Адлия вазирининг 2019 йил 16 июлдаги 299-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартиbdаги тадбиркорлар ва оиласвий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2883, 2017 йил 12 май), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2883-1, 2017 йил 28 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 июлдаги 300-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2975, 2018 йил 22 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 июлдаги 301-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.